

Ота-она қаровисиз қолган болаларни фарзандликка бериш, васий ва ҳомий тайинлашда Кодекснинг 179, 180-моддасида кўрсатилган фарзандликка бериш, васий ва ҳомий тайинлашга тўқсинлик қилувчи ҳолатларни аниқлаш чоралари кўрилмаган.

4 бет

Босқинчилар унинг қўл телефонини тортиб олишган эди. У машинада босқинчилардан бири ўша телефонда шериги билан гаплашганини эслади. Чақирилган телефон рақами фуқаро Ю.Ҳажимжоновга тегишли бўлиб чиқди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Нидош



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 26-aprel, №17 (798)

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан  
2012 йил 6 мартда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **130-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**"130-модда.** Порнографик махсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш

Порнографик махсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

а) тақоран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик махсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик ҳусусиятга эга ҳаракатларнинг ижросида сифатида жалб қилиш, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

2) куйидаги мазмундаги **130<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**"130<sup>1</sup>-модда.** Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи махсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи махсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар:

а) тақоран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

3) **саккизинчи бўлим** куйидаги мазмундаги атамалар билан тўлдирилсин:

**"Порнографик махсулот** — бадий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёхуд одам томонидан ҳақиқатда содир этилаётган ёки шунга ўхшатишга жинсий алоқанинг тавсифини ёхуд фото, видео тасвири ёки бошқа тасвирини ўз ичига олган материаллар ва нарсалар";

**"Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи махсулот** — бадий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлмаган, зўравонлик ёки шафқатсизлик содир этишга ундайдиган материаллар ва нарсалар".

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

Тошкент ш.,  
2012 йил 12 апрель  
№ УРҚ-324

2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **189-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**"189-модда.** Порнографик махсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш

Порнографик махсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, —

порнографик махсулотни, шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";

2) куйидаги мазмундаги **189<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**"189<sup>1</sup>-модда.** Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи махсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи махсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, —

зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи махсулотни, шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";

3) **245-модданинг биринчи қисми** "189" рақамидан кейин "189" рақами билан тўлдирилсин;

4) **287-модданинг биринчи банди** "189" рақамидан кейин "189" рақами билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

И. КАРИМОВ

"Халқ сўзи", 2012 йил 13 апрель



2012 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров Монголия Бош прокурори Дорлигжав Дамбини бошчилигидаги делегацияни Ўзбекистонга ташриф доирасида қабул қилди.

## Монголия делегацияси ташрифи

Меҳмонлар Ўзбекистон прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва фаолиятининг асосий йўналишлари, республикада амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, шунингдек, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг мазмун-моҳияти билан таништирилди.

Ўз навбатида, Монголия Бош прокурори Дорлигжав Дамбини Монголия прокуратура органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берди.

Учрашувда томонлар икки давлат прокуратура органлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик масаласида фикр алмашиб, ушбу соҳада икки томонла алоқаларни ўрнатиш лозимлигини таъкидладилар.

Хусусан, икки томонлама ҳуқуқий ҳамкорликнинг норматив базасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Монголия Бош прокуратураси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида фикр билдириб, ушбу ҳақда протокол имзоладилар.

Учрашув якунида ҳар иккала томон ҳам музокаралар самарали ўтганлигини таъкидлаб, мамнуният изҳор қилдилар.

Қабул хайрихоҳлик ва дўстона вазиётда ўтди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан кўрсатилган самимий қабул учун миннатдорчилик билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси  
Матбуот хизмати

## Ҳужжатларни сохталаштириш

Шаҳар прокуратураси томонидан умумтаълим мактаблариға маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадға мувофиқ сарфланиши таҳлил қилинганда, 12-, 25-, 26-сонли мактабларда бир қатор қонунбузилиши ҳолатлариға йўл қўйилгани аён бўлди. 12-сонли мактабнинг ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари И.Игамбердиевнинг зиммасидаги 7 турдаги моддий бойликлардан камомадлар борлиги, иш ҳақларини пластик картчаларға ўтказиш жараёнидаги хато ва камчиликлар тўғриси ҳодимларға 147,1 миң сўм ортиқча тўлангани аниқланди. Бундан ташқари, педагогик юктамалардан 78 соати бажарилмаган бўлса-да, ўқитувчиларға иш ҳақларини тўлаш ҳисобини натижасида 213,4 миң сўм ортиқча тўланган. Жумладан, ўзига юклатилган педагогик юктамаларнинг 17 соатини ўтмаган тасвирий санъат ўқитувчиси Н.Сайфутдинова, 61 соатини ўтмаган бошланғич синф ўқитувчиси Т.Сотволдиеваларға иш ҳақи тўлиқ ҳисоблаб берилган. 2010-2011 ўқув йилида 15 нафар ўқитувчиға ўтилмаган 1163 дарс соатлари учун табеллар тўлдирилиб, 2 млн. 193 миң сўм иш ҳақи нотўғри тўланган. Беморликлари тўғриси ишға чиқмаган ўқитувчиларға касаллик варақлари асосидаги тўловларда ҳам хатоликларға йўл қўйилган.

Шунингдек, 26-сонли умумтаълим мактабида бюджет мабағлари нотўғри ишлатилган. Ҳодимларнинг иш ҳақлари пластик картчаларға нотўғри ўтказилган. Масалан, Ш.Абдурахмоновнинг пластик картчасиға асосан равишда ортиқча 30 миң сўм ўтказиб берилган. Мактаб директори Ш.Абдурахмонов, илмий бўлим мудири М.Ўқубовалар томонидан назорат олиб борилмаган натижасида 94,2 соат педагогик юктамалари бажармаган 4 нафар ўқитувчиға асосан равишда 278,7 миң сўм иш ҳақи ортиқча тўланган. Шу билан бирга, 2010-2011 ўқув йилида 7 нафар ўқитувчи томонидан ўтилмаган 321 дарс соати, 2011-2012 ўқув йилида 8 нафар ўқитувчи томонидан ўтилмаган 156 дарс соати учун

жами 1 млн. 174,3 миң сўм ортиқча иш ҳақи "эҳсон" қилинган. Қолаверса, директор жамгармаси маблағларидан ҳам нотўғри тўловларға йўл қўйилган. Икки нафар ўқитувчиға 156 миң сўм мукофот пули ортиқча ҳисоблаб берилган.

Шаҳардаги 25-сонли умумтаълим мактабида ҳам юқоридаги каби қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Утилмаган дарс соатлари, бажарилмаган педагогик юктамалар учун иш ҳақи ҳисоблашда, иш ҳақларини пластик картчаларға тушириб беришда, касаллик варақлари бўйича тўловларда хато ва камчиликларға йўл қўйилган. Қонунбузилишлари бартараф этишға қаратилган тегишли прокурор таъсир чоралари қўлланилди.

Прокуратура томонидан мутахассислар жалб этилган ҳолда, мактабға таълим муассасаларидаги қозонхоналари қуриб ишға тушириш учун ажратилган бюджет маблағларининг мақсади ишлатилишини ўрганиш жараёнида ҳам қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. 2011 йил декабрь ойида шахар молия бўлими томонидан иссиқлик тизимларини мукамал таъмирлаш учун 4-, 13-, 21-, 22-сонли болалар боччалариға 12,9 млн. сўмдан тортиб 26,4 млн. сўмға пул маблағлари ажратиб берилган. Ушбу муассасалар "Махсусиссиққурилиштирмиш" МЧЖ билан кичик қозонхоналари қуриб ишға тушириш ҳақида шартномалар тузишган. Қурилиш ташкилотининг раҳбарлари боччалардаги қозонхоналар қурилишида жами 76 млн. 318 миң сўмлик иш бажарилгани ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этишган. Ушбу ҳолда бўйича ўтказилган текширишларда МЧЖ мансабдор шахслари ҳужжатлари сохталаштирилгани, аслида бажарилмаган 4 млн. 602 миң сўмлик ишларни қўшиб ёзишгани аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди.

Қуриб турганимиздек, ҳужжатлар қай йўсинда сохталаштирилмасин, фэйриқоний иш нечоғлик пардаланмасин, ҳақиқатнинг барибор қарор топиши, қонунбузилишиға алоқадор кимсаларнинг эса жавобгарликка тортилиши шак-шубҳасиздир.

Қудратжон ОЛИМОВ,  
Қуваасой шаҳар  
прокурори ўринбосари

Тан олиш керак, сўнгги пайтда ишбилармонликка лаёқати борларнинг омади келди. Бўлмасам-чи, бундайларнинг ақсариёти алмақачон бизнесини йўлға қўйиб, ҳам ўзига, ҳам жамиятға фойда келтирмақда. Айниқса, ишлаб чиқариш билан шугўлланаётганларини айтмайсизми?! Ўнлаб-юзлаб юртношларимизни иш билан таъминлаш орқали, уларнинг оималарига ҳам маълум даражада ёрдам кўрсатиб, савобға қолаётганлари қанча!

## Тадбиркор фаолияти қонунийлаштирилди

Азиз ҲАКИМОВ,  
Чилонзор туман прокурори

Аммо яратилаётган ана шундай имкониятлардан қўз юмиб, қонуний тарзда даромад топишни афзал билаётган, бу йўлда амалдаги тартиб-қоидаларни четлаб ўтаётган фуқаролар ҳам борки, бундайларнинг қилишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдим. Мисолларға мувожаат қилсак: СВОЖДЛҚК Департаментининг Чилонзор туман бўлими ҳодимлари томонидан туман ҳудудида ноқонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шугўлланаётган шахсларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятиға чек қўйиш ҳамда бошқарма бошлигининг 2012 йил 12 мартдаги тегишли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тезкор тадбирда яширин цех очиб, фаолият юритаётган фуқаролар Ш.Юлдашев ва Б.Бебутовнинг қилмишлари ошкор бўлди. Буни қарангки, икки "тадбиркор" цехни очишға очишибди-ю, давлат рўйхатидан ўтказишни "эсдан қарқаришибди". Бундан ташқари, цех жойлашган уй ҳам оғзаки шартнома билан ижараға олинган бўлиб, икки нафар фуқаро бирон-бир ҳужжатсиз ишлаб келатган экан.

Ушбу ҳолат юзасидан зарур ҳужжатлар расмийлаштирилиб, цехдан 3 донна тикув машинаси, маникен, аёллар юбкалари ҳамда материаллар олиб қўйилган.

Ўтилган ҳужжатлар юзасидан ўтказилган дастлабки терговолди текширув ҳаракатлари натижасида ишға ёлланган ишчиларға ҳақ ишбай тарзда тўланиб, тушган фойда икки "тадбиркор" томонидан ўзаро бўлишиб олингани маълум бўлди.

Гарчи, юқорида исмири қайд этилган фуқаролар ЖКнинг 188-моддасининг тегишли бандида кўрсатилган жиноятни содир этишган бўлса-да, қилган ишларидан пушаймон эканликлари, бу жиноят ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумиға кириши, улар билан тегишли профилактика тушунириш ишлари олиб борилиши натижасида масъулияти чекланган жамият ташкили қилиб, қонуний равишда давлат рўйхатидан ҳам ўтишганлигини, ушбу махсусотлар эндиликда қонуний фаолият олиб боришға қарор қилган тадбиркорларнинг фаолиятида ёрдам беришини ҳисобға олиб, қонуний эгаларига қайтариб бериш Ш.Юлдашев ва Б.Бебутовларнинг айбилик масаласини ҳал этмасдан туриб, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Дарҳақиқат, янглишганини тушуниб, қонуний тарзда фаолият юритишға қарор қилганларнинг ишлари охири-оқибат хайрли яқун топиши бор гап. Юқорида таъкидлаганимиздек, "Barcelona Trade" МЧЖни ташкил этиб, тегишли тарзда давлат рўйхатидан ўтгач, банкда ҳам ҳисоб рақами очган тадбиркорлар бугун 2 эмас, балки 12 нафар янги иш ўрни яратишға эришдилар. Энди уларнинг ишларига фақат омад тилаймиз.

## «Уддабурон» жувозчилар

Олимжон КАМИЛОВ,  
СВОЖДЛҚК  
Департаментининг  
Навоий вилоят  
бошқармаси  
матбуот гуруҳи  
катта инспектори

Яширин цехлар иқтисодиёт ривожига тўсиқ бўлиши бонс, бундай қонунбузарликларға чек қўйиш Департамент ҳодимларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Айниқса, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган "махсусотлар" нафақат истеъмолчининг "чўнтаги"ға, балки соғлиғиға ҳам хавф туғдирса, бу кечириб бўлмас ҳолат ҳисобланади.

Давлатимизда аҳолиға сифатли ва истеъмол стандартларига мос келадиган ёғ-мой махсусотларини етказиб бериш бўйича салмоқли ишлар амалға оширилиб, соҳани тартибға солиш юзасидан бир қатор ҳуқуқий-норматив ақтлар қабул қилинган.

Бирок, шунга қарамадан айрим шахслар томонидан нафақат соғлиққа, балки ҳаёт учун хавфи бўлган ёғ-мой махсусотларини яширин, ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ҳолатлари учраб турибди.

Жумладан, Департаментнинг Хатирчи туман бўлими ҳодимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбир натижасида туманда яшовчи фуқаро Абдуқомил Тўраев (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) ўз уйида электр тармоғиға ноқонуний уланиб, мойжувоз ускунасида чигитни қайта ишлаш билан шугўлланиб келатганини аниқланди. Тадбир давомида унга тегишли бўлган 912 миң 600 сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Ушбу туманда яшовчи фуқаро Ойбек Элмуродов ҳам ўзи истиқомат қилаётган қондондаги электр тармоғиға тўғридан-тўғри уланиб, қўлбола усулда ясалган мойжувоз ускунасида чигитни қайта ишлаш билан шугўлланиб келгани маълум бўлди. Ушбу қиңғирлик натижасида электр тармоқлари корхонасиға 198 миң 634 сўмлик зарар етказилган.

Ҳар икки ҳолат бўйича қонунбузарларға нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Албатта, бу каби қонунбузарларға нисбатан кўрилатилган чоралар ўз самарасини бериши аниқ. Лекин бундай шахсларнинг фаолиятиға барҳам беришда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳодимлари, балки фуқароларнинг фаол иштироки ҳам муҳим аҳамият касб этишини унутмаслигимиз лозим.

## Жиноят йўлидаги тўсиқ

Ақмал САЙФИТДИНОВ,  
Қашқадарё вилоят  
прокурорининг  
катта ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикасиға олиб кириш тақиқланган товарлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги "Товарлар экспортини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1871-сонли Фармонининг 5-илловасида кўрсатилган бўлиб, бу рўйхатға давлат тузуми, мамлакатимизнинг ҳудудий бирлиги, давлат суверенитети, сиёсий мустақиллиғиға қарши йўналтирилган, уруш, террор, диний қарама-қаршилиқ, миллатчилик, ирқчилик (антисемитизм, фашизм)ни тарғиб қилувчи ҳамда порнография мазмуниға расмлар, фотопленкалар, негативлар, кино, видео, аудио ва бошқа махсусотлар киритилган.

Шунга қарамадан, баъзида ушбу товарларни, жумладан, инсон ҳаёти ва саломатлиғиға, маънавиятиға таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситалари, диний адабиётлар, дисклар, видеоларҳалар ва бошқа махсусотларни юртимиз ҳудудиға ноқонуний олиб киришға уриниш ҳоллари учрамақда.


Жумладан, 2011 йил 24 сентябрда "Москва-Душанбе" йўналишидаги 320-сонли йўловчи поезди текширилганда, шу поездда кузатувчи бўлиб ишловчи Джураон Урозовнинг қўл юклари орасида 20 донна "Феназепам" дори воситаси борлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолат бўйича ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди ва жиноят иши жиноят ишлари бўйича вилоят судиға юборилди.

Шунингдек, 2011 йил ав-

густда фуқаролар Э.Абсатторов ва О.Тулбоев контрабанда йўли билан чегарадан олиб ўтган 100 грамм героин гиёҳвандлик воситасини ўзлари яшайдиган манзилда сотмоқчи бўлганларида уларнинг жиноий фаолиятиға тўсиқ қўйилди. Ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми, 273-моддаси 5-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди ва мазкур иш жиноят ишлари бўйича Деҳқонobod туман судиға юборилди.

Бундан ташқари, 2011 йил 10 октябрда "Москва-Қарши" авиарейси билан Қаршиға келган самолёт йўловчиларининг қўл юклари текширилганда, фуқаро Валентина Мазунинаниннг ўзи билан 43 донна "Феназепам" дори воситасини олиб ўтганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси бўйича жиноят иши қўзғатил.

# Қишлоқ хўжалиги прокурор назоратида



лари юзасидан 180 та жиноят иши кўзгатилди.

Ердан оқилона фойдаланиш, ер ажратишда суиистеъмолчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўймаслик борасида олиб борилган назорат тадбирларида 3.553 гектардан ортиқ экин майдонларидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланилганлиги, 956 гектар ер майдони ноқонуний ажратилганлиги аниқланиб, шундан 3.344 гектари заҳира фондида қайтарилди ва айбдорларга нисбатан қонуний чоралар қўрилди. Хусусан, маҳаллий ҳокимликлар томонидан 79 та ҳолатда 783 гектар, фермер хўжалиқлари раҳбарлари томонидан 41 та ҳолатда 141,4 гектар экин ерлари ноқонуний равишда ажрати берилган.

2012 йилнинг 1-чорагида 14 нафар мансабдор шахс томонидан 147 гектардан ортиқ ер майдони таниш-билишчиликка қонунсиз ажратилиб, ерни пора эвазига сотиш каби мансаб суиистеъмолчиликларига йўл қўйилганлиги фош этилди.

Масалан, Когон туман ҳокими К.Хайитов ҳужжатларни сохта-лаштириш йўли билан "Порлоқ жаннат" фермер хўжалиқлари томонидан 25 та ҳолатда 108,5 гектар экин ерининг уй-жой қуриш учун ноқонуний равишда фуқароларга сотиб юборилганлиги

аниқланиб, туман ҳокимлигининг заҳира ер фондида қайтариллиши таъминланди.

Жумладан, Асака туманидаги "Зафар ютуқлари" фермер хўжалиги иш юритувчиси Х.Мўйдинов 2000 АҚШ доллари ва 3 млн. сўм пул эвазига фуқаро И.Қариевга уй-жой қуриш учун 0,06 гектар экин ерини ажратиб берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Денов туманидаги "Меликул бобо" фермер хўжалиги раҳбари Х.Жўракулов эса, 1,79 гектар ер майдонини 42 нафар фуқарога уй-жой қуриш учун бериб юборган.

Шунингдек, Музработ туманидаги "Умаров Чори" фермер хўжалиги раҳбари Р.Ҳамроқулов 43,4 гектар, "Собиров Панжи" фермер хўжалиги раҳбари П.Собиров 35 гектар, "Аллабердиев Хусниддин" фермер хўжалиги раҳбари Қ.Холматов 9,62 гектар ер майдонини фуқароларга томорка сифатида бериб юборгани ҳам маълум бўлди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда қонуний манфаатларини химоя

**Нурилла ЖАББОРОВ,**  
Бош прокуратура бўлим бошлиғи

қилиш прокурорларнинг доимий эътиборидаги масала бўлиб, бу жараёнда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари ҳам кўриб борилмоқда.

Хусусан, прокуратура органлари томонидан 22 та фермер хўжалигига рўйхатдан ўтиш ва банкда ҳисоб-рақами очилди, 41,2 млн. сўм кредит, 126,4 млн. сўм иш ҳақи, 1,6 млрд. сўм нақд пул олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 674 млн. сўм дебитор қарзларнинг ундирилиши, 676 гектар ер, 241 тонна минерал ўғит, 144 тонна нефт, 58 дон қишлоқ хўжалиги техникалари, 14 тонна чигит ва уруғлик бугдой, 79 тонна омухта ем маҳсулотларининг қонуний асосда ажратиб берилиши таъминланди.

Сув ресурслари, гидротехника ва мелiorация иншоотлари ҳамда фойдаланишда исрофгарчилик ва хужасизлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида суиистеъмолчилик, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш ва талон-торож қилиш ҳолатлари ҳам аниқланди.

*/Давоми 4-бетда/*

**Прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан мунтазам назорат тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда.**

Бунда асосий эътибор фермер хўжалиқларининг ҳуқуқларини хишмоқ қилиш, пахта ва галла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суиистеъмолчилик, гидротехника, мелiorация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлашда хўжасизлик, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш каби ҳолатларнинг олдини олиш масалаларига қаратилди.

2012 йилнинг 1-чорагида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 646 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра 21 минг 939 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш бўйича 510 та протест келтирилиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида 1 минг 55 та такдимнома киритилди. Прокурорларнинг такдимнома ва қарорлари асосида 3 минг 901 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Айбдорлардан 180 млн. сўмдан ортиқ зарар ихтиёрий ундирилди. Судларга 14,5 млрд. сўмлик зарарни ундириш бўйича 3 минг 843 та арiza киритилиб, 13 минг 440 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди ва 4 минг 966 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланди. Шунингдек, жиддий қонунбузилиш ҳолат-

# Маънавий барқарорликни асраб-авайлаш келажагимизни сақлашдир

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси ҳамда Республика Ҳарбий прокуратураси ҳамкорликда Бухоро шаҳрида "Замонавий таҳдидлар ва уларга қарши курашда Ўзбекистон ташаббуслари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Давра суҳбатида таъкидланганидек, инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар тинчлиги, миллий тотувлики таъминлашга интилиши Асосий Қонунимизнинг муқаддимасида ўз ифодасини топган. Хавфсизликка нисбатан бўладиган ҳар қандай таҳдид, у қайси қиринишда бўлмасин, мамлакатлар тинчлигига, барқарорлигига, ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, инсон маънавиятига, саломатлигига ва ҳаётига, аτροφ-табiiй муҳит тозаллиги, мусаффо осмон софлигига қатта хавф туғдиради. Бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига солинаётган таҳдидлар серқирра бўлиб, улар минтақавий моҳарлар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружларини, маҳаллийчилик ва уруф-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экологик муаммоларни ўз ичига олади. Бу таҳдидлар, гарчи турлича шаклларда намоён бўлса-да, шу заминда истиқомат қилаётган миллионлаб кишилар учун бир хилда таъшив тўғдиримоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари ўтган қисқа вақт ичида минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, мамлакатимиз хавфсизлигига бўлган бугунги замонавий таҳдид ва хатарларни чуқур таҳлил этиш асосида "Ўзбекистон Республикасининг мудофаа доктринасини тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида"ги Қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигини, шу тарихга юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлашга хизмат қиладиган хавфсизликни таъмин-

лашнинг яхлит тизимли фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилганлигини алоҳида таъкидладилар. Мавжуд хавф-хатарларнинг табиатини тўғри тушуниб этиш ҳамда уларнинг манбалари ва ўзаро алоқаларини ўз вақтида аниқлаш, жамиятда барқарорликни сақлаш шарт-шароитларини белгилаб олиш ва улардан самарали фойдаланишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бирга бошқа давлат ва нодавлат тузилмаларнинг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Давра суҳбати давомида замонавий таҳдидларга қарши курашда Ўзбекистоннинг роли, глобаллашув жараёнларида ахборот хуружлари ва унга қарши кураш самарадорлиги, маънавий таҳдидларга қарши курашда қонунчиликни таъминлаш ва ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғиботни қучайтириш масалалари, ватанпарвар, маънавий баркамол инсонни тарбиялашда жамоатчиликнинг иштироки каби бир қатор долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

Маърузачилар, XXI аср — шиддаткор тезликлар, ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилга айланаётган давр эканлиги, айнаи вақтда ҳозирги замоннинг энг хатарли аломати бўлиб, жаҳон майдонига қайётган халқаро терроризм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик, нарқобизнес каби хавфсизликка янги таҳдидлар ҳам юзга келаётганлиги, бундай хавф-хатарларнинг қай тарзда ва қандай асосда пайдо бўлаётганини, улар нафақат бизнинг халқимиз, балки бутун инсоният учун нечоғли муҳим бўлиши ва уларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси минтақамизда ва глобал миқёсда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган деяри барча халқаро ҳужжатларга қўшилган бўлиб, ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти

томонидан трансмилий таҳдидларга қарши жуда фаол ва изчил кураш олиб бормоқда. Ўзбекистон, айниқса, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида ўзига хос принципал ёндашувга эга бўлган, аниқ ва пухта уйланган ташаббусларни илгари сураётган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатимизнинг Афғонистон муаммоси, аср вабоси ҳисобланган терроризм, диний экстремизм ва гўёҳанд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, Марказий Осиё ҳудудидаги экологик муаммолар юзасидан сўнгги йиллар давомида билдирган қатор тақлиф ва ташаббуслари халқаро ҳамжамият эътиборини доимо ўзига жалб қилиб келмоқда.

Айнаи пайтда, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда ташқи таҳдидлардан ҳимояланиш ва уларнинг олдини олиш билан бирга, ички хавфсизлик муаммоларига ҳам гоят жиддий эътибор қаратмоқ зарурлиги минтақада турли таҳдидларни бартараф этиш, трансмилий хавфлар бўлиши терроризм, диний экстремизм ва нарқобизнесга қарши кураш, шу жумладан, халқаро майдондаги турли сиёсий қучларнинг миллий ва стратегик мақсадлари йўлидаги "эркинлик ва демократияни олға силжитиш" ҳамда маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларига асосланган "оммавий маданият", "инсон ҳуқуқларини химоя қилиш" каби остида кириб келаётган замонавий таҳдидларга қарши самарали курашда ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги давра суҳбати давомидаги муҳокамалар диққат марказида бўлди.

Шунингдек, давра суҳбатида Ватанямиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, тарихан бой анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онги-шуурига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, инсоннинг маънавий-руҳий дунёсини издан чиқарадиган, унинг миллий ва диний томирларини узиб таш-

**А.ХОЛИКОВ,**  
Бухоро ҳарбий прокурори,  
адлия подполковниги

лашга интиладиган, миллатнинг ахлоқ-одоб, оила борасидаги асрий қадриятларига жиддий хавф солиб турган маънавий таҳдидларга қарши курашда давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кенг жамоатчилик олдида турган кечиктириб бўлмайдиган ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш ҳақида фикрлар билдирилди.

Муҳокама яқунлари бўйича замонавий таҳдидлар, шу жумладан, халқаро терроризм ва бошқа трансмилий таҳдидларга қарши кураш борасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан жойларда ўтказилаётган комплекс чора-тадбирлар самардорлигини оширишга қаратилган аниқ тавсиялар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Мунозараларга бой тарзда ўтган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Мудофаа вазилиги, Бухоро вилоят прокуратураси ходимлари, Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутатлари, Бухоро вилояти фаоллари, ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, Жануби-Ғарбий алоҳида ҳарбий округ қўмондонлиги, Бухоро гарнизонидаги ҳарбий қисм ва муассасалари ҳарбий хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари, Бухоро вилоятидаги бир қатор олий ўқув юртлири, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари, профессор-қўитувчилари ва талабалари, Бухоро вилояти Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотий вакиллари, курсантлари ва тингловчилари шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

# Қишлоқ хўжалиги прокурор назоратида

/Давоми.  
Бошланиши 3-бетда/

**Ж**орий йилнинг 1-чорагида ўтказилган текшириш ва мониторингларда Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган 205,4 млн. сўм мақсадсиз ишлатилганлиги ёки талон-торож қилинганлиги аниқланиб, шундан 122 млн. сўмининг ундирилиши таъминланди.

Масалан, Андижон вилояти гидрогеология мелиоратив экспедицияси мансабдор шахслари 114 млн. сўмлик, "Намангандавсулмаҳсулудрат" корхонаси мансабдорлари 46 млн. сўмлик, "Андижон-давсулмаҳсулудрат" корхонаси мансабдор шахслари 20 млн. сўмлик, Норин-Сирдарё гидрогеология мелиоратив экспедицияси мансабдор шахслари бўлса, 19,6 млн. сўмлик бюджет маблағини талон-торож қилганлар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларни минерал ўғитлар билан таъминлаш, ўғитларни сақлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан ўтказилган мониторинг ва текширишларда 185 тонна минерал ўғитлар талон-торож қилинганлиги аниқланди. Жумладан, "Қиш-

лоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти Дўстлик туман филиали мансабдор шахслари 25,5 млн. сўмлик 70 тонна минерал ўғитни талон-торож қилганлар.

Шунингдек, Косонсой туман филиали мансабдор шахслари 137 та фермер хўжалиқларига 349,2 млн. сўмлик минерал ўғитни тўловсиз бериб юбориб, 3,4 млрд. сўм мuddати ўтган дебитор қарзларни ундириш чораларини кўрмаганлар. Омборчилар А.Бодилов ва Қ.Парпиевлар эса 5,4 млн. сўмлик 11,2 тонна минерал ўғитни ўзлаштирилган. Юқорида келтирилган ҳолатлар юзасидан ҳам жиноят ишлари кўзга тинган ва айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинган.

Ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникаларининг сақланиши ҳамда талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган қонулар ижроси устидан ўтказилган тадбирлар давомида 33 тонна ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, 36,5 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлари талон-торож қилинганлиги аниқланиб, 43,6 млн. сўмлик зарарнинг ундирилиши таъминланди.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимида ўтказилган текши-

ришларда ўтган йил ҳосилидан 766 млн. сўмлик 2 767 тонна пахта хомашёси, 208 4 млн. сўмлик 3 034 тонна пахта момиги талон-торож қилинганлиги аниқланди.

Жумладан, Зафаробод пахта тозалаш корхонаси товаршуноси К.Рўзиев қиймати 528 млн. сўмлик 1 081 тонна, С.Ғаниев 129,3 млн. сўмлик 206,3 тонна пахта хомашёсини талон-торож қилган бўлса, "Чирокчи пахта тозалаш" акциядорлик жамияти мансабдор шахслари 208,4 млн. сўмлик 3.034 тонна пахта момигини хўжатларни сохталаштириш йўли билан талон-торож қилганлар. Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга тилиб, жиноят жазо муқаррарлиги таъминланган.

Бундай мисолларни бошқа ҳудудлардан ҳам келтириш мумкин.

Жорий йилнинг 1-чорагида 57 тонна минерал ўғит, 19 тонна нефт маҳсулотлари ва 2,5 тонна чигитни республика ҳудудидан четга олиб чиқиб кетиш ҳолатлари аниқланиб, 104 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, жиддий қонунибузилиш ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши кўзга тинди.

Бундан ташқари, "Ўздон-маҳсулот" АК тизимидаги корхоналарда кўшиб ёзишлар ва

бошқа суистеъмолчиликларга йўл қўйилганлиги оқибатида 3,8 млрд. сўмлик 5 426 тоннадан ортқ бошоқли дон маҳсулотлари талон-торож қилинган.

Катта миқдордаги талон-торожликларга асосан "Намангандонмаҳсулот" (7 935 тонна), "Оҳангарондонмаҳсулот" (2 128), "Андижондонмаҳсулот" (1 743), "Дўстликдонмаҳсулот" (1 483), "Жомбойдонмаҳсулот" (1 019), "Самарқандонмаҳсулот" (688), "Шўрчидонмаҳсулот" (490), "Кўрғонтепадонмаҳсулот" (442), "Тошкентдонмаҳсулот" (390) ва "Сариосиёдонмаҳсулот" (17,2 тонна) акциядорлик жамиятларида йўл қўйилган.

Жумладан, "Дўстликдонмаҳсулот" АЖ мансабдор шахслари 481,3 млн. сўмлик 940 тонна, "Самарқандонмаҳсулот" АЖнинг "Осиё Афросиёб" филиали омбор мудири Ж.Джалолов 105 млн. сўмлик 293 тонна, "Зарбдор элеватори" АЖ мансабдор шахслари 42,5 млн. сўмлик 49,7 тонна буғдойни ўзлаштирилганлар.

Маъмур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга тилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинган.

Қишлоқ хўжалигида иш ҳақи, кредит ва бошқа мақсадлар учун ажратилган 1,1 млрд. сўмлик маблағлар та-

лон-торож қилинганлиги аниқланиб, прокуратура органларининг аралашуви билан 900 млн. сўмдан ортқ зарар айбдорлардан ундирилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган 418 млн. сўмлик бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланганлиги аниқланиб, прокуратура органларининг аралашуви билан 114 млн. сўмдан ортқ зарар айбдорлардан ундириб олинди.

Чорвачиликка оид қонулар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида 194 млн. сўмлик 2 122 бош чорва моллари талон-торож қилинганлиги ҳолатлари бўйича 19 та жиноят ишлари кўзга тинди.

Масалан, Фориш туманидаги "Арносой" ширкат хўжалиги бош чўпони Т.Нурашев 92 млн. сўмлик 1 219 бош, Тўрткўл туманидаги "Қизилкум" ширкат хўжалиги бош чўпони Х.Джумабаев 10,7 млн. сўмлик 142 бош майда шохли молларни талон-торож қилганлиги учун қонунибузилиш ҳолати берилди.

Прокуратура органлари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида қонуниликни таъминлаш бўйича назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

## Бола кўнгли ўксимасин

**Жиззах вилоят прокуратураси томонидан Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органи фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг етим, ота-онаси қаровисиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларга васийлик ва ҳомийлик белгилаш, муассасаларга жойлаштириш ҳақидаги талабларнинг бажарилиши аҳоли юзасидан ўтказилган текширишда бир қатор қонунибузилиш ҳолатлари аниқланди.**

**Х**усусан, Бахмал туманида ўтказилган текширишда аниқланишича, туман васийлик ва ҳомийлик органининг тумандаги етим, ота-онаси қаровисиз қолган вояга етмаганларни ихтимойий ҳимоя билан қамраб олиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишидаги ишлари Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Низом ҳамда "Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбиялаш бўлими (патронат) тўғрисида"ги Низом талаблари асосида амалга оширилиши таъминланмаган.

Туман васийлик ва ҳомийлик органида васийликка, ҳомийликка олинган вояга етмаганларнинг барчаси ҳақида умумий маълумотлар жамланган кундалик доимий иш реестри, ота-онасиз қолган вояга етмаганларнинг бирламчи рўйхатга олиш журнали, уларни васийлик ва фарзандликка олишга номзод бўлган ота-оналарни рўйхатга олиш дафтари, давлат гамжўрлигига муҳтож болалар ҳамда меҳрибонлик уйига жўнатилганларни ҳисобга олиш дафтари алоҳида юритилмасдан, комиссияга келган аризаларни қайд этиш дафтарига ёзиб борилган. Аммо бу дафтарда ҳам вояга етмаган-

ларга оид маълумотлар тўлиқ қайд этилмай, ота-онасиз қолган вояга етмаганларни бирламчи рўйхатга олиш журналида 2010-2012 йилларга тааллуқли маълумотлар умуман қайд этилмаган.

Шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органининг ота-онаси қаромидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш борасидаги фаолияти қониқарсиз бўлиб, ота-она қаромидан маҳрум бўлган болалар ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Бундай болаларнинг таълим ва тарбиясига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда ташаббускорлик кўрсатилмаган. Судларга қонунда белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ҳуқуқини чеклаш тўғрисида даъво аризалари билан чиқилмай, юклатилган мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаган.

Оила кодексининг 151,176-моддаларида васийлик ва ҳомийликка муҳтож вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларига оид, 179-моддасида васийлик ҳамда ҳомийлик мажбуриятларини назарда тутувчи норма белгиланган бўлса-да, лекин, туман васийлик ва ҳомийлик органи масъул ходимлари томонидан хизмат ваъзалари лозим даражада бажарилмаган. Ота-она қаровисиз қолган болаларни фарзандликка бериш, васий ва ҳомий тайинлашда Кодекснинг 179, 180-моддасида кўрсатилган фарзандликка бериш, васий ва ҳомий тайинлашга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни аниқлаш чоралари кўрилмаган. Айрим ҳолларда бундай шахсларнинг муқаддам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлиги, қонуни билан зиммаларига юклатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганликлари ёки ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилганликлари учун муқаддам васийлик ва ҳомийлик вазифасидан четлатилганлиги, илгари қасддан жиноят содир этганлигини инкор этувчи ҳужжатлар тўлиқ олинмаган ва юритилган йиғма-жилдларга жамланмаган.

**А. НАЗАРОВ,**

Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Бундан ташқари, туман васийлик ва ҳомийлик органи масъул ходимлари томонидан масъулиятсизликка ҳам йўл қўйилиб, васий ва ҳомий бўлишнинг истовчи фуқаролардан зарур ҳужжатлар, жумладан, уларнинг шахсига ва оилавий аҳолига оид маълумотлар, соғлиги тўғрисидаги тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси, тери-таносил диспансери маълумотномалари тўлиқ олинмасдан, "Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низом" талаблари бузилган.

"Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбиялаш бўлими (патронат) тўғрисида"ги Низомга асосан, васийлик ва ҳомийлик органи фарзандликка олинувчи бола эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинаётган ҳолларда, хотин (эр)нинг ёзма розилиги, фарзандликка олинувчининг ота-онасининг нотариял равишда тасдиқланган розилиги талаб қилинса-да, васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ушбу талабларга тўлиқ амал қилинмаган.

Шунингдек, туман васийлик ва ҳомийлик органи томонидан Оила кодексининг 149-моддаси талаблари тўлиқ бажарилмасдан, туман ҳудудида ота-онасининг қаромидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаб, ҳисобга олиш бўйича ишлар қилинмай, бу борада тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўрнатилмаган.

Масалан, тумандаги Тонготар қишлоғида яшовчи, суднинг ҳукми билан 7 йил мuddатга озодлик маҳрум қилинган А.Ортиқовнинг 5 нафар вояга етмаган фарзанди онаси Ф.Ортиқованинг қаромидан топширилиб, улар ота-она қаромидан қолган бўлса-да, туман васийлик ва ҳомийлик органи томонидан уларга нисбатан васий та-



йинлаш ҳамда ихтимойий ҳимоялаш чоралари кўрилмаган.

Шу каби Урай қишлоғида вояга етмаган, 1996 йилда туғилган М.Ҳабибуллаева, Ойқор ҚФЙ, Тангатонди қишлоғида яшовчи вояга етмаган 2001 йилда туғилган Х.Турабекова ва 1997 йилда туғилган М.Турабековларнинг ота-оналари вафот этган бўлишига қарамастан, васийлик ва ҳомийлик органида бу ҳақда маълумот мавжуд эмас, уларга васий тайинлаш ҳамда ихтимойий ҳимоя қилиш чораси кўрилмаган.

Туман васийлик ва ҳомийлик органи томонидан жойлаштирилган, васий ва ҳомий тайинланган болаларнинг кейинги яшаш, ўқиш шaroитлари умуман ўрганилмаган ва бу ҳақда далолатномалар тузилмаган, васий ва ҳомийлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши ва ҳуқуқларининг амалга оширилиши устидан йилга амалда 2 марта назоратни амалга ошириш ҳақидаги Низом талаби бажарилмаган ва ушбу йўналишдаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Оилага тарбия берилган болаларнинг турмуш шaroитлари ва уларнинг тарбияланиши кузатиб борилмаган ва бу ҳақда тегишли маълумотномалар тузилмаган.

Текшириш натижасига кўра, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими мудири номига қонунибузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шaroитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

# Шахсийлаштириш воситалари

Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, шунингдек, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи шахсийлаштириш воситалари ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, мазкур воситалардан ҳуқуқ эгаларининг розиангисиз, қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Қолаверса, ҳуқуқбузарлик оқибатида келиб чиққан юридик оқибатларни бартараф этиш, мутлақ ҳуқуқ эгасига етказилган моддий ва маънавий зарарни баҳолаш ҳамда уни қоплаш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини хорижий давлатларнинг соҳага оид илғор тажрибасига асосланган ҳолда янада такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислам Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида "...муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш..." шу билан бир қаторда "...мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини улари кўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврда янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур..." лигида алоҳида эътибор қаратилган.

Дарҳақиқат, фуқаролик муомаласи иштирокчилари шахсийлаштириш воситаларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек, соҳага оид қонун ҳужжатлари нормаларини тизимлаштириш ва унификациялаш орқали янада такомиллаштириш билан улари халқаро шартномаларга яқинлаштириш, мамлакатимиз ҳудудида интеллектуал мулк объектларини яратиш билан шуғулланиётган маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, шу билан бирга, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштириш воситаларидан ноқонуний фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини яратишни тақозо этмоқда.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштириш воситаларидан ҳуқуқ эгаларининг розиангисиз, қонунга хилоф равишда фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий жавобгарлик соҳасидаги муносабатлар бир қатор қонун ҳужжатларида мустахкамланган. Ҳуқуқбузарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари характеридан келиб чиқиб, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштириш воситаларидан соҳадаги ҳуқуқий жавобгарликни тегишинча фуқаролик-ҳуқуқий, жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик турларига таснифлаш мумкин.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштириш воситалари ўз мазмунига кўра, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объектлари сирасига кириди. Шу бос, мантқан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддаси

да назарда тутилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий усуллари хусусий аломатларни акс эттирувчи шахсийлаштириш воситаларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Шундай экан, шахсийлаштириш воситаларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ушбу объектларга нисбатан ҳуқуқларни тан олиш, ҳуқуқларни бузилишидан олдинги ҳолатига қайта тиклаш ва ушбу ҳуқуқларни бузидиган ёки бузилиш хавфини келтириб чиқарадиган ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, шахсийлаштириш воситалари бўйича тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш, зарарни қоплаш ва неустойка ундириш, маънавий зарарни қоплаш, ҳуқуқий муносабатларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳамда давлат бошқарув органининг ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қонунга зид ҳужжатларини суд томонидан қўлланмаслиги кабиларни ҳам қамраб олади.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштириш воситаларини яратиш ҳамда улاردан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бузилганда мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик бўйича умумий қоидалар қўлланилади. Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштириш воситалари соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгар-

**Маънавий зарарни қоплаш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021, 1022-моддаларида белгилаб берилган.**

лик икки шаклда: шартномавий жавобгарлик ва шартномадан ташқари жавобгарлик турларига бўлинади. Шартномавий жавобгарлик шартнома томонларининг шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш бўйича шартномаларда белгиланган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада адо этмаганлик оқибатида келиб чиқса, шартномадан ташқари жавобгарлик эса ҳуқуқбузарнинг ноқонуний ҳаракати (харакатсизлиги) орқали шахсийлаштириш воситаларига нисбатан мутлақ эгасига зарар етказганлик оқибатида келиб чиқди. Шартномавий жавобгарликда шахсийлаштириш воситаларидан фойдаланиш бўйича шартномаларда белгиланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада адо этмаган тараф бошқа тарафга етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан, бой берилган фойдани қоплаш шарт.

## улاردан ноқонуний фойдаланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддасига асосан, агар қонун ёки шартномада зарарни қамроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарар ва шу билан бир қаторда ноқонуний хатти-ҳаракатлар натижасида олинган даромаддан кам бўлмаган миқдорда бой берилган фойданинг тўлиқ ҳажмида қоплашиб берилишини талаб қилишга ҳақли ҳисобланади. Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштириш воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик оқибатида ҳуқуқ эгасига нафақат моддий зарар, балки маънавий зарар ҳам етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 100-моддасининг саккизинчи қисмида фуқарога етказилган маънавий зарарни қоплаш борасида умумий асослар белгиланган бўлиб, унга асосан шахшнинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи ноқонуний хатти-ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарар билан бирга, маънавий зарар ўрнини қоплаш талаб қилинади.

Маънавий зарарни қоплаш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021, 1022-моддаларида белгилаб берилган.

Хусусан, Фуқаролик кодексининг 1021-моддасида етказилган маънавий зарарни ундириш асослари келтирилган бўлиб, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Маънавий зарар фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати камситадиган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатиш, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Конституцияси билан кафолатланган бошқа ҳуқуқларини бузиш орқали етказиш мумкин.

Шу билан бир қаторда, Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига асосан, маънавий зарар пул билан қоплаши, маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шуни қўриқиб, айб томон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланиши, зарарни қоплаш миқдорини белгилашда адолат талаблари эътиборга олинishi лозим.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштириш воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун берилган маъмурий жавобгарликнинг асосла-

ри Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 177-моддаси, 2001 йил 30 августдаги "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддасининг учинчи қисмида мустахкамланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Қонуни 26-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган нормаларга асосан, товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни товар бел-

**Жиноят кодексининг мазкур моддасида шахсийлаштириш воситаларига нисбатан ҳуқуқларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик ҳусусида аниқ нормалар акс эттирилмаган.**

гисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасининг розиангисиз тайёрлаш, қўллаш, Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, эркин муомалага чиқариш ёки улари шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш сифатида эътироф этилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 177-моддасига асосан, бир хил товарни белгилаш учун товар белгисидан ёки хизмат кўрсатиш белгисидан ёхуд унга ўхшаш белгидан товар белгиси эгасининг розиангисиз, унинг ҳуқуқларини бузган ҳолда фойдаланиш, фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштириш воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликнинг умумий асослари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддаси, 2001 йил 30 августдаги "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддасининг учинчи қисмида мустахкамланган.

Бирок, Жиноят кодексининг мазкур моддасида шахсийлаштириш воситаларига нисбатан ҳуқуқларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик ҳусусида аниқ нормалар акс эттирилмаган. Бу борада хорижий давлатларнинг тажрибасига эъти-

**Эркин ХАЙТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи  
**Ахбор РЎЗИЕВ,**  
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети тадқиқotchиси

бор қарайдиган бўлса, шахсийлаштириш воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик асослари Беларусь Жиноят кодексининг 248-моддаси (рақобатчининг ишчанлик обрўсидан ноқонуний фойдаланиш), Молдова Жиноят кодексининг 185-2-моддаси (саноат мулки объектларига

бўлган ҳуқуқларни бузиш), Озарбайжон Жиноят кодексининг 197-моддаси (товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш), Россия Федерацияси Жиноят

кодексининг 180-моддаси (товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш), Украина Жиноят кодексининг 229-моддаси (товар ва хизмат белгилари, фирма номлари, товар келиб чиққан жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш), Хитой Жиноят кодексининг 213 (савдо белгиларидан ҳуқуқ эгасининг розиангисиз фойдаланиш), 214 (товарни қалбаки савдо белгилари остида савдога чиқариш), 215 (қалбаки савдо белгиларини яратиш)-моддаларида акс эттирилган.

Юқорида келтирилган хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг шахсийлаштириш воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи махсус нормалар билан тўлдирилиши келгусида мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда улар оқибатида келиб чиққан юридик оқибатларни бартараф этишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтиш кераки, шахсийлаштириш воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун ҳуқуқий жавобгарликни белгиловчи қонун ҳужжатлари нормаларини ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш, мазкур объектларга нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг изчил тизимини яратиш, шу билан бирга ҳуқуқни муҳофазга қилувчи органларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини янада жиддаллаштириш жуда муҳим ҳисобланади.

# Мустаҳкам оила — ижтимоий тараққиёт гарови

Отабек ХАМРОЕВ,  
тадқиқотчи

Оила, ижтимоий институт сифатида кишиларнинг қон-қариндорлиги, талаб ҳамда эҳтиёжларини биргаликда қондиришга асосланган, ўзаро келишилган ҳолда тузилган микроижтимоий тузилмадир. Оила қайси маданият вакилларига, қайси касб эгаларига мансуб эканлигидан қатъи назар, у мустаҳкам бўлса, бундан жамият ҳам манфаатдор бўлади. Айнан оилада инсон ўз қадрини англайди, ҳаётнинг моҳияти, умр мазмуни, яшаш тарзи, эзгу хулқ намуналарини эгаллайди. Оила рекреацион функцияни бажариб, инсоннинг жисмоний ва психологик чарқочлигини чиқариш учун хизмат қилади. Шу боис ёшларни оила ҳаётига тайёрлаш, мустаҳкам оила гарови ҳисобланади. Шу маънода Президентимиз томонидан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши мамлакатимизда инсон манфаатини ҳимоя қилишга қартилган миллий сиёсатимизнинг мантқиқий давомидир.

Бугунги ахборот хуружи, мафкуравий ва маънавий таҳдидлар оғир бораётган даврда инсонни ҳимоя қиладиган муҳим институт оила ҳисобланади. Оила бажарадиган функцияларни бошқа биронга ҳам институт бажаролмайди. Агар, бугунга келиб, жамиятда инсон манфаати биринчи ўринда эканлигига жиддий эътибор қаратилишини инобатга олак, унинг ҳаёти мазмундорлигини таъминлашда оиланинг ўрни муҳим ҳисобланади. Оила ижтимоий институт сифатида бир неча босқичлардан ўтади, яъни унинг ибтидо ва интихосини назарий жиҳатдан қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин:

- умр йўлдош танлаш;
- бир-бирини ўрганиш ва никоҳ тузиш;
- ўзаро мослашиш ва қийинчиликларни бирга енгиб ўтиш;
- фарзандларни дунёга келтириш, уларни тарбиялаш;
- фарзандларнинг камол топиши ва мустақил ҳаётга кириб бориши;

— фарзандлар оиласининг пайдо бўлиши;

— эр-хотин ёшини улгайиши ва уларнинг оламдан ўтиши (улардан бири ёки ҳар иккаласи).

Оила ва оилaviй муносабатлар масаласи неча асрлардан бери мутафаккиримизнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Масалан, ал-Хоразмий оила бахтини, инсоннинг қадр-қимматини муҳаббатда кўриб, "Муҳаббат ҳар қандай қиммат нарсанинг баҳосидир ва ҳар қандай юқори нарсанинг шотисидир", деб инсон ҳаётида ота-онага, Ватанга, фарзандга, оилага бўлган муҳаббат мавжуд бўлишини кўрсатиб, оилaviй ҳаётда пайдо бўлиши мумкин бўлган низо, ижтимоий қийинчиликларни енгиб ўтиш, чидамли бўлиш, агарда оила шунчаки ҳавас асосида, яъни муҳаббатсиз вужудга келган бўлса, бунга на эр ва на хотин бардош бермасдан ажралиб кетишларини таъкидлаб ўтган.

Абу Райҳон Берунийнинг қарашларида эса, оила ва оилада бола шахси тарбияси, интеллектуал таълим, ахлоқий ва жисмоний тарбия, меҳнат ва инсонпарварлик тарбияси алоҳида ўрин эгаллаган. Беруний оилаларнинг бузилишига кўпинча рашк сабаб бўлишини кўрсатиб, оилани сақлаб қолишда хотиннинг ўрни, у бажарадиган вазифалар ва оилада айнан хотинлик бурчини ижобий бажарганлига маънавий иқлим барқарорлиги таъминлашини кўрсатиб ўтган.

Оилaviй барқарорлик оилада тарбия топаётган фарзандларга, яқин қариндошларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Абу Али ибн Сино "Китоб-ул-шифо" номи асарига оилаларнинг бузилиш сабабларини қуйидагича кўрсатиб ўтган: биринчидан, ўзаро эр-хотинликдан фарзанд бўлмаса; иккинчидан, хотин ўз эрига хиёнат қилса; учинчидан, хотин тарбияси бўлса; тўртинчидан, эр-хотин бир-бирларига ёқмайдиغان қарама-қарши хусусиятларга эга бўлсалар.

Тадқиқотчилар айнан ёшларнинг жиноятга қўл урмаслигини оиланинг таъсирини кўрсатиб, бунда объектив ва субъектив омиллар мавжудлигини таъкидлашади. Масалан, педагогика фанлари номзоди Р.Маҳмудов оил сифатида қуйидагиларни келтиради:

- Оиланинг моддий фаровонлиги;
- Моддий жиҳатдан оила аъзолари ўзларини таъминлай олишлари;
- Оиланинг уй-жой билан таъминланганлиги;
- Оила аъзоларининг сони ва ҳоказоларини келтиради.
- Субъектив омил сифатида эса:
- Оилада ўзаро муносабатлар;
- Оила аъзоларининг иш билан бандлик даражаси;
- Оила аъзоларининг маънавий савияси;
- Оилада ота-оналарнинг ўзаро ҳуқуқий маданияти.

Аммо, объектив омил сифатида оиланинг қайси тур оилага мансублиги, субъектив омил сифатида эса, ота-оналарнинг қайси тур оилада тарбия топганликлари ва уларнинг маълум савияларини кўрсатиб ўтилмаган. Бизнингча, булар ҳам алоҳида инобатга олиниши лозим. Фарзандлар тарбиясида институционал ҳамкорликнинг ижтимоий ҳамкорлиги каби алоҳида аҳамиятга эга эканлиги профессор Ҳ.Йўлдошев томонидан кўрсатиб ўтилган бўлиб, тадқиқотчи қуйидаги уч хусусиятни белгиллаб берган: Институционал тузилиш, Институционал вазифа ҳамда Институционал ҳамкорликнинг мавжудлиги.

Бунда назарий жиҳатдан асосланган концепция асос қилиб олинган ва унинг таълим жараёнидаги амалий аҳамияти ифодаб берилган.

Ҳар бир оила ўз хусусиятларига эга бўлиб, этномаданий томонларни ўзига мутасаммаллаштиради. Фалсафа фанлари доктори М.Холматова ўзбек оиласининг фазилатлари ижобийлигини кўрсатиб, инсонпарварлик, оилаларварлик ва фарзандларварлик каби фазилатлар айнан оилaviй тарбия асосида шаклланишини таъкидлайди. Олима нотўлиқ оилалар ҳақида ҳам фикр юритиб, бун-

дай оилаларда маънавий-руҳий муҳитнинг мураккаблиги ва уни соғломлаштириш қийинлигини она ва болаларнинг ёлғиз қолганликлари, ота ва болаларнинг ёлғиз қолганликлари ҳамда бошқа-бошқа никоҳлардан фарзандлар мавжудлиги билан асослайди.

Оилада соғлом маънавий муҳитнинг таъминлашини кучли ижтимоий тизим мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, бу оила аъзоларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари мажмуаси сифатида ифодаланиши мумкин. Р.Самаров ўзининг "Жамият ва Қуролли Кучлар феминизациялашуви" номи монографиясида соғлом маънавий муҳит бевосита оила аъзоларининг, яъни эркак ва аёлларнинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқлигини айтиб, аёллар эркаклардан психологик ва психофизиологик жиҳатлари билан ҳам ажралиб туришлари ҳақида сўз юритади. Унинг таъкидлашча, аёлларда хиссиётчанлик, таъсирчанлик, хатти-харакатларининг кўпроқ юрак амрига бўйсунганлиги, хулқда сезги (инстинкт)нинг устуворлик қилиши, атрофдагилар ҳақида интуитив хулосалар чиқариш, кўпроқ очиқ характерга эгалик каби хусусиятлар яққол намоён бўлиши мумкин.

Эркаклар эса, диққат-эътиборни тез жамлай олиш, актидор билан иш юритиш, хулқатворини мантқиқий хулосалар асосида шакллантириш, ўз хиссиётларини идора қила олиш ва атрофдагиларга танқидий муносабатда бўлиш каби хусусиятлари билан характерланадилар.

Оила ўз аъзоларининг маънавий, жисмоний ва руҳий ҳолатлари барқарорлигини ҳам таъминлайди. "Оилаларимизда ҳар томонлама соғлом муҳит ҳукмрон экан, фарзандларимиз баркамол вояга етдилар, фуқаролари баркамол жамият эса ҳеч қачон завол топмайди. Жамият таянчи соғлом оила бўлар экан, фарзандлар миллият даражасида тафаккур қилишга қодир бўлган бундай юрт барқарор тараққиёт йулидан оғишмайди, амал-

га ошираётган барча ислохотларимиз албатта самара беради", — деб ёзади Каримова В.М. (Оила ва никоҳ: ижобий ўзгаришлар // Оиланинг долзарб муаммолари: устувор вазифалар ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами).

Шу ўринда мамлакатимизда оилани ўрганишга бағишланган ишларни қуйидаги йўналишлар бўйича ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- оилaviй қадриятлар ва ота-она масъулияти;
- никоҳдан қониқшиш ва оилaviй муносабатлар маданияти;
- эр-хотин низолари ва уларни бартараф этиш йўллари;
- оилада турли агрессияларнинг намоён бўлиши ва уларнинг профилактикасини амалга ошириш;
- ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг миллий хусусиятлари;
- ёш оналари тайёрлаш;
- эр-хотинларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш;
- фарзанд тарбиясининг долзарб муаммолари;
- репродуктив саломатликни таъминлашнинг ижтимоий-тиббий жиҳатлари;
- оилада аёллар ролини ошириш ва жамиятда уларнинг маъқулини кўтариш;
- оилага психологик, педагогик, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

Мазкур тадқиқотлар ёшларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш, фарзандлар тарбиясига оид юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, амалий психологик, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун амалий аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

## Меҳнатқаш-мигрантлар ҳуқуқи

Даврон МУҲАММЕДОВ,  
ТДЮИ магистр

Аҳоли миграцияси, унинг асосий оқими ни ташкил этувчи ташқи меҳнат миграцияси жараёнларининг тобора кенгайиб бораётгани ва бу жараёнда миллионлаб фуқароларнинг иштирок этаётганини соҳада инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлаш, бу ҳуқуқларнинг самарали муҳофазасини замонвий тарзда йўлга қўйиш вазифасини тобора долзарблаштирмоқда. Таъқиқотчиларнинг қайда эътишларига кўра, бугунги кунда 190 миллиондан кўпроқ одамлар ўзлари туғилган ўган юртлардан ташқарида истиқомат қилмоқдалар. МДҲ мамлакатлари доирасида ўз бераётган миграция жараёнлари ҳам ўзининг кенг миқёсмлиги билан диққатни тортади.

Меҳнат мигрантларнинг ҳуқуқий ҳолати аниқ-равшан белгилаб қўйилиши ва бу ҳолатнинг амалда тўла таъмин этилиши халқро меҳнат миграцияси жараёни иштирокчисига бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлашнинг муҳим воситалари қаторига кирди. Меҳнатқаш мигрантлар ҳуқуқий ҳолатини белгилаш соҳасида халқро ҳуқуқий тизим шакллантирилишини эътироф этиш керак. Жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари оид универсал ҳужжатларида, энг аввало, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг, Иккинчи, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқро Пакта, Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги халқро Пакта бу масалага доир принципал норма ва қоидалар белгиланган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 6-моддасида "Ҳар бир инсон қарерда бўлишдан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқий субъект сифатида тан олинishi ҳақида", деб қўрсатилган.

Меҳнат миграцияси оқимларининг қулайлиги ва қўлпаб фуқароларнинг туғилиб

ўсган юртдан ташқарига меҳнат қилиш мақсадида вақтинча чиқиб кетиши натижасида улар туғилган мамлакатлар учун ҳам, хорижий мамлакат учун ҳам муаммолар келиб чиқишига олиб келади. Энг аввало, меҳнатқаш-мигрант ва унинг оила аъзолари ҳаёти, саломатлиги, эркинлиги ва бошқа инсоний ҳуқуқларини ҳимоялаш долзарб, инсоният учун глобал аҳамиятга эга бўлган масалага айланган қолди.

Фуқаролар ўзга юртларда етарли даражада ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланмаганлари тўғрисида ноконуний эксплуатация объектига айлана бошладилар. Бу эса транс-миллий жинсий уюшмалар томонидан халқро миқёсда содир этиладиган жиноятлар учун қулай муҳит яратилишига олиб келди, шу асосда одам савдоси, аёллар ва болалар меҳнатидан айриносоний мақсадларда фойдаланиш, нарқобизнес кенг ривожлана бошлади. Масалан, Миграция бўйича халқро ташкилот маълумотларига кўра, Европа мамлакатларида нолегал мигрантларни ёллаш ва уларни иш билан таъминлаш билан шуғулланувчи жинсий ташкилотлар ҳар йили 5 млрд.дан 7 млрд. АҚШ долларигача ҳажмда даромад оладилар ва унинг анча қисми жинсий эксплуатациядан тушади. (Trafficking and Prostitution: The Growing Exploitation of Migrant Women from Central and Eastern Europe. Migration information Programmer. IOM. May 1995.)

Бугунги кунда меҳнатқаш-мигрант ва унинг ҳуқуқларини таъминловчи халқро ҳуқуқий воситалар ва тегишли халқро қонунчилик тизими яратилган. Бундай ҳалқро қонунчилик тизимида БМТнинг

юқорида қайд этилган ва "Ҳуқуқлар ҳақида бил" номи билан машҳур бўлган инсон ҳуқуқлари доир универсал ҳужжатлари етакчи саналади. Ихтисослашган универсал ва регионал халқро ташкилотлар халқро ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида ҳам мигрантлар билан боғлиқ масалалар муҳим ўрин тутди. Булар орасида Халқро меҳнат ташкилоти, Халқро миграция ташкилоти, Европа Иттифоқи, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкилоти ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Хусусан, Халқро меҳнат ташкилотининг "Меҳнатқаш-мигрантлар тўғрисида"ги 97-сонли, "Ижтимоий таъминот соҳасида мамлакат фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахслар ҳуқуқларининг тенглиги ҳақида"ги 118-сонли, "Миграция соҳасидаги суеистеҳлат ва меҳнатқаш-мигрантларга тенг имконият ҳамда мувожаат қилиш ҳуқуқларини бериш тўғрисида"ги 143-сонли, "Халқро меҳнат нормаларини қўллашга қўмақлаштириш мақсадида уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида"ги 144-сонли, "Ижтимоий таъминот соҳасида ҳуқуқларни сақланишига қаратилган халқро тизимларни ўрнатиб қўлида"ги 157-сонли ва бошқа Конвенциялари ҳамда Тавсиялари шулар жумласидандир.

МДҲ доирасида ҳам меҳнат миграцияси ва уни халқро ҳуқуқий тартибга солиш масалалари унга аъзо давлатлар диққат марказида бўлиб келмоқда. Ташқи меҳнат миграцияси жараёнларининг МДҲ мамлакатлари ҳудудида юз бериши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни тартибга солишга қодир бўлган, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини самарали таъминлай олади-

ган халқро ҳужжатлар қабул қилиниши муҳим вазифалардан бири саналади.

Ҳозирги пайтда МДҲ доирасида меҳнатқаш-мигрантлар ҳуқуқларига доир бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган. 2006 йил 30 октябрь-1 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги мамлакатларида бандлик ва меҳнат миграцияси муаммолари" мавзусидаги халқро илмий-амалий конференцияда МДҲ бўйлаб меҳнат миграцияси оқимлари, уни тартибга солиш, меҳнатқаш-мигрантлар ҳуқуқий ҳимоясини яхшилаш, халқро ҳамкорлиги қулайтириш, бу соҳадаги халқро қонунчиликни янада тақомиллаштириш масалалари кенг муҳокама этилди. Ушбу халқро конференция Тавсияларида меҳнат миграцияси оид МДҲ доирасидаги халқро қонунчиликни тақомиллаштириш, турли мамлакатлар қасаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва ривожлантириш, соҳага оид миллий қонунчиликни янада тақомиллаштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Хулоса сифатида шунни қайд этишимиз мумкинки, олдимизга ҳуқуқий давлат ва ривожланган фуқаролик жамияти қуриш, демократик дунё билан интеграциялашнинг мақсадини қўйган эканмиз, бунда, энг аввало, инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама кафолатлайтириш, уларни реал амалга оширилиши учун зарур шарт-шароит яратилган юридик таянчларни вужудга келтиришимиз зарур.

# «Тармоқли маркетинг»

## қонуний фаолиятга нима етсин

Кейинги йилларда аҳоли орасида "Янги чет эл компанияси чиқибди. Дорилари табиий маҳсулотлардан тайёрланганмиш. Ҳар қандай тузал-мас дарини ҳам тузатиб юборармиш..." ё бўлмаса, "Фалончи компанияга пул тўлаб аёзо бўлсанг, бойиб кетармишсан..." каби мишмишлар кўпайиб қолиди. Ҳатто бунга ишонган ҳаётларимиз бадалларни тўлаб, ўша компанияларга аёзо ҳам бўлишди. Ташкилотчиларнинг алаовига учиб, таниш-билишларини-да, бу "тўр"га тортадилар. Охир-оқибат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мана шундай ноқонуний фаолият юритаётган бир нечта хорижий фирма ва компанияларнинг қилмишлари фош этилди, уларнинг найрагларига учганликлари учун атанг ҳам қилишди.

Афсуски, ҳозир ҳам бу каби алдовлар билан ўз бюджетини кўпайтираётган хорижий компаниялар ва уларга эргашаётганлар йўқ эмас. Бу каби ноқонуний хатти-ҳаракатларга, шунингдек, ноқонуний "тармоқли маркетинг"ни йўлга қўётганларга қонунийликда тегишли тартибда жазо тайинланган ва бу иллатнинг олдини олишга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 1 февралда "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қарор қабул қилинган бўлиб, у Ўзбекистон ҳудудида юридик ва жисмоний шахсларнинг маркетингнинг кўп даражали тизими ("тармоқли маркетинг")дан фойдаланган ҳолда чакана савдо қилинишни ҳуқуқий тартибга солишни таъминлашга қаратилган.

Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари"га ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасига Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, ЖШ прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК Департаментининг ҳудудий органлари билан биргаликда республика ҳудудида товарларнинг ноқонуний етказиб берилишини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик чораларини кўчатириш вазифаси юклатилган. Қўйида "тармоқли маркетинг" бўйича қонуний фаолият юритиш доирасида айрим маълумотларга эътиборингизни қаратамиз.

"Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари"га киритилган қўшимчалар тўғрисидаги Иловага кўра, "тармоқли маркетинг" тармоқли ташкилот томонидан товарларни мустакил тарқатадиган сотувчи агентлар ташкил этишга асосланган товарларни чакана сотиш тури ҳисобланади.

Тармоқли ташкилот – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мустакил равишда ёхуд "тармоқли маркетинг" йўли билан сотувчи агентлар орқали фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси юридик шахси, сотувчи агент эса, турғун савдо шохобчалари ор-

қали товарларни бевосита сотувчи, шунингдек, уйга буюртма олиш воситасида маассасалар, ташкилотлар, корхоналарда, транспорт ёки қўнда потенциал харидорлар билан ишлайдиган, даромади фақат сотув ҳажмига боғлиқ бўлган жисмоний ёки юридик шахс ташкил этмаган яқка тартибдаги тadbиркордир.

"Тармоқли маркетинг" йўли билан чакана савдо қилиш сотувчи агентлар томонидан турғун савдо шохобчаларида амалга оширилади. Агентлар турғун савдо шохобчаларидан ташқарида уйга буюртмалар қабул қилиш, маассасалар, ташкилотларда, транспорт ёки қўнда савдо қилиш орқали потенциал харидорлар билан ишлайдилар. Улар товарларни харид қилишга қизиқмайдиган истеъмолчиларга маҳсулотларни зўрлаб тиқштирмасликлари керак.

Буюртма икки нусхада расмийлаштирилади. Бланкада буюртманинг тартиб рақами, сотувчи агентнинг фамилияси, исми, отасининг исми, у ва тармоқли ташкилот ўртасида тузилган шартноманинг тартиб рақами ҳамда санаси, сотиладиган товарнинг номи, нархи, микдори ва умумий қиймати, шунингдек, қўшимча хизматлар қиймати, сотиб олинадиган товарга ҳақ тўлаш усули, буюртма қабул қилинган ва у бажарилган сана, харидорнинг фамилияси (исми, отасининг исми) ва имзоси кўрсатилади. Буюртма бланкасининг биринчи нусхаси харидорга берилади. Иккинчиси эса сотувчи агентга сақланади. Сотувчи агент товарларни тақдир қилишда уларни ишлаб чиқарувчилар, келиб чиқиш мамлакатлари, сифат тавсифлари, бирор-бир чеклашлар бор-йўқлиги ва бўлиши мумкин бўлган қўшимча тўловлар тўғрисидаги маълумотларни потенциал харидорга тўлиқ маълум қилишга мажбурдир.

Хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари орқали биоактив қўшимчалар, дори воситалари ва тиббий мақсаддаги буюмларни "тармоқли маркетинг" йўли билан сотувчи агентлар орқали сотиш тақиқланади.

Мазкур қоидага кўра, тadbиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланмиш жисмоний шахсларга, хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари орқали "тармоқли маркетинг" воситасида импорт товарла-

Илҳомжон ПАЙЗИЕВ,  
СВОЖДЛКК Департаментининг  
Наманган вилоят бошқармаси катта  
инспектори  
Набижон ФАЯЗОВ,  
бошқарма бўлим бошлиғи

ри олиб келиш ва сотишга йўл қўйилмайди.

Сотувчи агентларнинг истеъмолчилардан тўловларни қабул қилиши фақат фиксал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналаридан ва тўлов терминалларидан фойдаланган ҳолда турғун савдо шохобчаларида амалга оширилади.

Тармоқли ташкилотлар ва (ёки) уларнинг сотувчи агентлари томонидан товарларни сотишдан олинган барча нақд пул тушумлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкка инкассация қилиниши (топширилиши) керак. Тармоқли ташкилот ўз фаолиятида сотиб олинган товарлар сотувчи агент томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат нақд бўлмаган ҳисоб-китоб бўйича сотилишига, улар билан тузилган шартномалар асосида "тармоқли маркетинг"ни амалга ошириш учун сотувчи агентлар жалб этишга, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда солиқ ва молия ҳисоботи тақдим этишга, сотувчи агентларга тармоқли ташкилотнинг товарлари улар томонидан сотилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома, сотиладиган товарларнинг сертификатлари ва юкхатлари нусхаларини беришга, сотилмаган товарларни олдин улар учун қабул қилинган пул маблағларини қайтарган ҳолда сотувчи агентлардан сўзсиз қайтариб олишга мажбурдир.

18 ёшга тўлмаган шахсларни ҳамда ўрта-маҳсул, касб-ҳунар таълими маассасалари ўқувчиларини сотувчи агентлар сифатида жалб этиш тақиқланади.

"Тармоқли маркетинг"ни амалга оширишга шартнома тузиш учун сотувчи агент сотиб олиши керак бўлган товарнинг минимал миқдорини белгилашга, тўловни аъзолик бадали шаклида ўндиришга, шартнома тузилгандан кейин сотувчи агент томонидан бошқа сотувчи агентларни жалб этиш тўғрисида талаб белгиланишига йўл қўйилмайди.

Сотувчи агентлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига яқка тadbиркорлар учун белгиланган тартибда солиқ тўлашди.

"Тармоқли маркетинг" йўли билан чакана савдо қилиш қоидаларига риоя этмаган шахслар Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164-моддаси ва Жиноят кодексининг 189-моддаси билан жавобгарликка тортилдилар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ноқонуний фаолият ҳақиша кўнгилсизлик олиб келади. Шундай экан, биз юқорида келтириб ўтган қонунчилик меъёрларига амал қилганлар асло адашмайди. Ўз билганидан қолмаганлар эса, ала-оқибат жиноий жазо билан рўбарў келади.

## Давра суҳбати ўтказилди

Халқимиз қадимдан оилани муқаддас билиб, фарзандлар тарбиясига катта эътибор қаратиб келган. Ахлоқ-одоб, меҳр-муҳаббат, матонат ва жасорат, юртга бўлган садоқат болаларга ана шу даргоҳда сингдирилади. Шундан бўлса керак, мамлакатимизда оила институтини янада тақомиллаштириш, ёшларни билимли, жисмонан бақувват, руҳан тетик, маънавияти юксак қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.

Бугун ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда жойларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, оиланинг фарзанд тарбиясида тугган ўрни, унинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ҳуқуқий асослари ҳақида суҳбатлар ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, Навоий ҳарбий прокуратураси томонидан жорий йилнинг 18 апрель куни «Мустаҳкам оила йили» муносабати билан 34051 ҳарбий қисмда "Мустаҳкам

Б. РАЖАБОВ,

Навоий ҳарбий прокуратураси терговчиси

оила — жамият тараққиёти гарови" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда қисм командири ва офицерлари, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва тегишли прокуратура ходимлари иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар барча соҳалардаги изчил ислохотлар хусусида батафсил маълумот беришди. Сўнг, замонавий, ихчам, тезкор армиянинг шаклланиши, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига давлат томонидан яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар борасида ҳам тўхталдилар. Шунингдек, оилавий хотиржамлик ҳарбийнинг юрт тинчлиги йўлида қилаётган хизматиға уйғун ва чамбарчас боғлиқлиги хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш билан бир қаторда, тadbиркорлини қўллаб-қувватлаш, тadbиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг тўлиқ ҳимоя қилинишига қаратилган ҳуқуқий асослар яратилиб, уларнинг эркин фаолият юритишларига кенг имкониятлар берилмоқда. Бироқ, бунинг моҳиятини тўғри англаб етолмаган айрим тadbиркорларимиз эса берилаётган имкониятларни ўзларига имтиёз деб билиб, турли кўринишдаги иқтисодий жиноятларни содир этишмоқда...

## Имконият имтиёз эмас...

Хуршид УСМОНОВ,  
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори  
Мазмура ДУСИЯРОВА

«Huquq»

Тadbиркорлик билан шуғулланиш мақсадида 2010 йилнинг 1 январидан яқка тартибдаги тadbиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган ангрелик Шерали Қурбоналиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш учун махсус рухсатномани кўлга киритгач, "MUMTOZ SAVDO" МЧЖ билан тузилган шартномага асосан, жамият ҳудудидаги 552-сонли савдо дўқонида чакана савдо фаолияти билан шуғуллана бошлади. Қисқа вақт ичида савдо ишини тақомиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳридаги «Абу Сахий» бозорларидан турли хилдаги товар-моддий бойликларни нақд пулга сотиб олади. Сотиб олинган 7 млн. 343 минг 200 сўмлик жами 31 турдаги товар-моддий бойликларнинг сифати ва ишлаб чиқариш маркази ҳамда сертификация талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжатлари йўқлигини билгани ҳолда уларни сотувга чиқариб келган...

Юқоридаги хатти-ҳаракатлари билан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги "Нозик-овқат истеъмоли товарлари билан савдо қилишни тақомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари" ҳақидаги илова талабларини бузган хусусий тadbиркор Ш.Қурбоналиев берилган имкониятдан ўзига қўпроқ "имтиёз" яратишга ҳаракат қилишда давом этади. Яъни, ҳисоб рақамидан контрактларини тўлаш учун пул ўтказиб беришни ваъда қилиб, 17 нафар талабани жами 22 млн. 975 минг сўм пул олиб, нақдлаштирган.

Текшириш давомида Ш.Қурбоналиев банк маассасасига инкассация қилган нақд пуллар билан НКМ хотираси солиштирилганда, назорат касса машинаси хотирасига кирим қилган 6 млн. 936 минг 160 сўмдан банкка жами бўлиб 4 млн. 231 минг 700 сўм нақд пул топширилгани аниқланган. Қолган 2 млн. 731 минг 300 сўм пул маблағи эса НКМ аппарати хотирасига киритилгани ҳолда банкка топширилмаган.

Ушбу ҳаракатлари билан Ш.Қурбоналиев тadbиркорлик фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 250-сонли "Нақд пул маблағларининг бандан ташқари айланмасини қисқартириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги Қарори талабларини бузган.

Юз берган ҳар қандай жиноят қонун йўли билан ҳолис ва адолатли кўриб чиқилади. Қонун эса ўз номи билан қонун. Унинг олдида барча баробар. Бироқ, қонун фақат жазолаш эмас, балки кечиримликни ҳам тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 2-қисми билан айбланувчи тарикасида жалб этилган 1983 йилда туғилган, олий маълумотли, 4 нафар фарзанднинг отаси бўлиш Ш.Қурбоналиевнинг қилмишини кўриб чиққан суд унга нисбатан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорнинг 7-бандини қўллаб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш ҳақида ажрим чиқарди.

# Манзилга етмоқ осонмас...

Сентябрь ойининг одатий кунларидан бирида Аброр Қозоғистонга бориб ишлаб келиш мақсадида онасидан 50 минг сўм пул олиб, йўлга отланди. Оназор уни сафарга кузатар экан, дуо қилиб, унга панау насиҳатлар қилди.

Она кўнгли болада, бола кўнгли далада, деганларидек, Чирчиқ шаҳрига етиб келган Аброр интернет кафеда 18 минг сўм пули қолгунча компьютер ўйинлари ўйнади. Қарасанки, манзилга етиш учун пул етмайди. Нима қилса экан...

Миясига келган фикрдан қувониб кетган Аброр шу атрофдаги дўконларнинг биридан пичоқ сотиш олдди. Шундан сўнг маршрутқада "Олой" бозорига бориб, тунаш учун пулдорроқ "ўлжа" қидирди. Хадеганда унга мос "ўлжа" топилавермагач, режасини ўзгартиришига тўғри келди. Таваккал қилиб, "Нексия-2" русумли машинани тўхтатиб, ТТЗ даҳасига 4,5 минг сўмга олиб бориб қўйишга келишди.

Машинанинг олд ўриндиғида ўтириб кетаётган Аброрнинг миясидан хайдовчини тунашининг минг бир йўли чарх уради. Ниҳоят у қатъий қарорга келди: "Хайдовчи га чап қўли билан пулни узатаётгани, ўнг қўли билан унинг гарданига пичоқ тирайди. Қарасанки, унинг кун бўйи киракашлиқ қилиб топган пуллари менга ўтади. Нега аввалроқ шу фикр хаёлимга кел-

мади экан, "Олой"да кун бўйи "ўлжа" пойлаб, вақтимни кўкка соуврибман-а".

Хайдовчи йигит М.Асадов (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) ҳам анойилардан эмас экан, Аброрнинг ҳадеб чўнтагини пайпаслайвергани унинг диққатини тортди. Унинг хатти-ҳаракатларига ҳушёр бўлиб турди. Нима бўлганда ҳам "Ўзинга эҳтиёт бўл, қўшинингни ўғри тутма" қабилда иш тутиб, йўлида давом этаверди.

Айтилган жойга етиб келгач, Аброр режа қилганидек, хайдовчи га пулни бераётди, унга пичоқ тирамоқчи бўлганида, хайдовчи унинг қўлидан ушлаб қолиб, боши билан унинг бошига зарба берди.

Кутилмаган бу қаршилиқдан ўзини йўқотиб қўйган Аброр машинадан тушиб, орқа-олдига қарамай қочиб қолди. Қўнғир ишининг қийғий қирқ йилдан кейин эмас, ўша захоти очилди. Аброр шошганидан паспортни машина салонига тушириб қолдирган экан, М.Асадов уни толиб олди ва бу ҳақда Мирзо Улуғбек туман ИИБга хабар берди.

Озми-кўпми моддий ва маънавий зиён кўрганга қарамасдан

**Ҳамид АКРАМОВ,**  
Мирзо Улуғбек туман прокурори  
ёрдамчиси  
**Фазилат ЁДГОРОВА,**  
«Ҳуқуқ»

М.Асадов судда Аброр Бектурдиевга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, унга енгиллик беришларини сўради.

Суд судланувчи А.Бектурдиевга нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасини ҳамда қилмишининг сабабларини инобатга олиб, судланувчининг жиноятни қасддан, гараз ниятларда содир этганлиги айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб, шу билан биргаликда, судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланиши, жабрланувчининг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ва кўргазмасида судланувчига енгиллик беришни сўраганлиги айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Уйдан яхши ниятларда чиқиб, жиноят кўчаси томон бурилган, тўғри йўл қолиб, эгри йўлга қадам босган 24 ёшли йигитнинг борар манзили панжара олдиди.

2011 йил, 7 май. Дераза ойнаси орқали юзига тушаётган қуёв нурларидан уйқуси қочган Сардор (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кўрпага бурқаниб олади. Аммо зумла лимичиб кетганда, устини очди. Қулоқини ёзиб қеришаркан, тўсатдан бошига санчиқ турди. Оғриқдан ёрилай деяётган бошини ушлаганча, кеча оқшомла нималар бўлганини эслашга ўринди...

# Коллежни ўмарган ўқитувчилар

**О.СОЛИЕВ,**  
Зомин туман прокурори

Зомин тумани марказидаги ўйингоҳ ҳар қачонгидан жағвум. Яшил майдонда маҳаллалар ўртасидаги мусобақа қизгин давом этмоқда. Майдон четидоғилардан айримлари бақир-чақир қилиб, ўз жамоасига муҳлислик қилса, бошқалари хотиржам гисто чақиб ўтиришибди. Сардор Найман маҳалласидан келганларга қўшилди. Навбати келганда майдонга тушиб, бироз "терлаган" бўлди-ю, сўнг яна томошабин бўлишни маъқул кўрди. Бу орада Зомин тиббиёт коллежида ўзи билан бирга ишлайдиган Зоҳид келиб, унинг ёнидан жой олди...

Ўйингоҳдан чиққан ҳамкасблар бирор жойга "отамлашиш" ҳақида келишиб олишган, Сардор қўл телефонидан ҳолавачаси Ботирга кўнғирок қилди. Уевлон "Сой бўйи" чойноҳасида алламаҳалгача еб-ичиб ўтиришди. Уйларига қайтиш вақти бўлганда коллежи олдидан ўтиб қолишди-ю, Сардорнинг нияти бузилди: — Шошманлар, — деди у тебранганча.

Зоҳид билан Ботир унга қарашди. Сардор ҳолавачасининг елқасига қўлини ташлаб, коллеж дарвозасига ишора қилди:

— Бу нималигини биласанми?  
— Ҳа, биламан, коллеж. Нима эди?  
— Ҳозир шу ерга ўғирликка тушамиз.

Аввалига Зоҳид билан Ботир уни ҳазиллашаётган бўлса керак, деб ўйлашди-ю, бироқ Сардорнинг аҳди қатъийлигини билишгандан сўнг, уни бу йўлдан қайтариш пайига тушишди.

— Нималар деяпсан? — деди Зоҳид унинг қарши-сига ўтиб. — Қайфинг ошиб, нима деяётганингни билмай қолдингми?

— Мен маст эмасман, — ўшқирди Сардор. — Сенлар билан ҳазиллашаётганим йўқ. Бу ерда қанча компьютер борлигини, сотсақ қанча пул ишлаб олишимизни биласанларми?

— Қўйинг, тинчгина уйимизга бориб, дам олайлик. — дея уни тортқилай бошлади Ботир.

— Йўқ, мен ҳеч қаерга кетмайман. Битта компьютер қанча туришини биласанларми? Биттасини ўзига бир ой маза қилиб, яшайсан. Қирамиз-у, олиб чиқамиз.

Ботир қоровул ҳақида гапирган эди, Сардор чол аллақачон туш қуриб ётган бўлса керак, деб уни хоти-жам қилди.

Унинг гапи тўғри бўлиб, қоровул Турсунбой ака хуррак отиб ётарди. Хуллас, йигитлар коллежнинг орқа томонидан девордан ошиб ўтишди. Сардор уларни ўзи аввалдан мўлжаллаб юрган кутубхона томон бошлади. У ерга кириб, компьютер процессорлари, мониторлар, сканер, принтерлар, рақамли фотоаппарат, видеокамера, "Мадонна" гилами, жами 6 млн. 90 минг сўмлик нарсаларни бир четга келтириб қўйишга, Сардор ақасининг машинасини ҳайдаб келди. "Юк"ларни ортиб, Соҳибкор қишлоғида яшовчи танишлари Суяюндик ақанинғ ховлисига олиб боришди.

— Бир танишимизнинг қарзи бор эди. Қарзини берганидан кейин молларини ўзига қайтарамиз. Унгача сақлаб турсангиз, — деди Сардор унинг ҳайрон бўлганини кўриб.

Суяюндик ака рози бўлди. Йигитлар нарсаларни шу ерда қолдириб (айтганча, гиламини Зоҳиднинг тоғасиникига ташлаб келишган эди), ҳеч нарса бўлмагандек уйларига қайтишди...

Сардор бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир эслар экан, нималар қилиб қўйганини энди тушунди. Бироз бошини ушлаб ўтиргач, ўрнидан турди.

У ишхонага келиб, "коллежни ўғри урибди", деган гапни эшитди. Тезда Зоҳид билан кўришди-да, уни четга тортди. Икковлон пичир-пичир қилиб, сирлари ошкор бўлмаслиги учун ўғирланган буюмлари йўқ қилиш режасини тузашди.

Орадан кўп ўтмай, Элдор исмли йигитдан 20 минг эвазига "Нексия" русумли машинасини ижарага олиб, Янгиобод туманига йўл олишди. Суяюндик ақанинғ уйига бориб, ўзлари қолдирган "омонат"ларни машинага жойлашди-да, Зомин тумани Фолиб СФУ ҳудудида ўтувчи каналга олиб боришди. Коллежга тегишли мулк сувга қўчтирилди.

Олиб борилган тезкор суриштирув ва қидирув тадбирлари натижасида Сардор Рихиев, Зоҳид Хусанов ва Ботир Мусаевлар томонидан содир этилган жиноят фош этилди. Суд уларнинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

# Саёқ юришининг оқибати



**Абдумалик АБДУЛЛАЕВ,**  
Читепа туман прокуратураси катта терговчиси

Официант қиз эса пулни тўлашни талаб қилиб туриб олди. Абдуқодир маст бўлгани учун пинагиниям бузмади, лекин Алишер бироз изза бўлди. Но-илоҳ официант қизга ўзининг телефон рақамини ва автомашинаси рақамини ёзиб олишини, зиёфатнинг пулини эртага келиб, тўлаб кетишини айтиб кутулди.

Абдуқодирни "Матиз"га ўтиргизиб кетмоқчи бўлиб турганида Шаҳноза ҳам қизи билан машинага чиқиб олгани унга ёқмади. Йўлда Шаҳноза ундан Сирғалига олиб бориб қўйишни талаб қилганида эса, ўртада жанжал чиқди.

Катта йўл бўлиб Алишер Шаҳнозани ва қизини машинасидан тушириб юборди. Бунга ҳам кўнгли тўлмай, ёнидан пичоқ чиқариб Шаҳнозанинғ бўйнига тиради: "Тилларинингни еч, бўлмаса шу ерда ўлигинг қолади!". Унинг ваҳожатидан ваҳимага тушган Шаҳноза тақинчоқларини ечиб берди.

Алишер гўёни қилмиши учун жазо йўқдай, машинасига ўтириб воқеа жойидан жўнаб кетди. "Суюкли-сини ўз дусту тунаганидан беҳабар Абдуқодир эса машинанинг олд ўриндиғида маст уйқуда эди...

Суд ҳукми билан Алишер Хоназаров тегишли жазосини олди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Саёқ юриш, ахлоқсизлик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслиги юқоридаги жиноят тафсилоти ҳам мисол бўла олади.

**Халил ХАЛИЛОВ,**  
Жомбой туман прокурори ёрдამчиси

# Сигир ўғирлаган аёл

Одатга гоҳида бўлса ҳам аёл кишининг тилла буюм ёки қимматбаҳо мато ўғирлагани каби ҳолатлар учраб туради. Аммо жиноят тафсилотларида аёлларнинг мол ўғирлагани ҳолати дегарли кам учрайди. Жомбойнинг "Наймантепа" маҳалласида яшовчи Гулистон Равшанова қизи билан ана шундай қалтис ишга қўл уришди.

Уша кунни тунда Гулистон опа қизини чақириб, у билан хуфиёна режа тузди. 1 октябрдан 2 октябрга ўтар кечаси "Қозон" қишлоғида яшовчи Х.Назарованинғ уйи олдига келишгач, қизини кузатувчи сифатида қолдирган она оғилхонага кириб, бозор баҳоси 700 минг сўмлик бир бош қорамолни етлақлаб чиқди. Кейин ўғирланган молни қизи билан тумандаги Шайман бозорига олиб бориб, Ачил Қосимовга 505 минг сўмга сотиб юборди.

Ушбу ҳолат бўйича олиб борилган тергов ва суриштирув жараё-

нида Г.Равшанованинғ хонадонини кўздан кечирилди ва уйдан 505 минг сўм пул ашёвий далил сифатида олинди. Шу билан бирга, унинг бошқа жиноятлари ҳам фош этилди.

Маълум бўлишича, Г.Равшанова ўтган йил апрель ойининг охирида кейинчалик сотишни ният қилиб, қаннабис гиёҳвандлик моддаларининг уруғини томорқасидаги помидор экилган майдонга сепиб, парваришлаган экан. Тадбирда ертўла ҳамда уйдаги сандиғи устига йиғилган кўрпалар орасига яшириб қўйилган икки

дона целлофанга солинган 165,9 грамм қуритилган марихуана гиёҳвандлик ўсимлиги ва қуруқ ҳолдаги соф оғирлиги 1074 граммга тенг бўлган қаннабис гиёҳвандлик моддаси толиди. Гиёҳвандлик моддалари ҳолислар иштирокида ҳужжатлаштирилиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Г.Равшанова ва қизи С.Бекназарованинғ жиноий қилмишлари судда кўриб чиқилди ва улар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбли деб топилди. Суд Г.Равшановага нисбатан беш йилу тўққиз ой, қизи С.Бекназаровга эса беш йилу икки ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Тайинланган жазо шартлига алмаштирилиб, уч йил синов муддати белгиланди.





# Адвокат алдовлари

ректора, адвокат Виктория Валиеванинг ҳузурига боришади. В.Валиева уларни эшитиб кўргач, иш ҳужжатлари билан танишиб чиққан бўлади.

Шунда Райҳон унга шу ишда адвокатлик қилишни, агар ютиб берса, давъоран талаш бўлаётган квартиранинг ярим пулини беришини айтади.

Бироз ўйлаб кўрган Виктория таклифга рози бўлмайди.

Аммо бир неча кун ўтиб, В.Батдалованинг келини Г.Батдалова ундан ана шу ишда адвокатлик қилишни сўраганида рози бўлади.

— Ишни оламан, сизнинг фойдангизга ҳал қилиб бериш ҳам қўлимдан келади, фақат бунинг учун 10 минг АҚШ доллари берасиз, — дейди у Г.Батдаловага.

— Ахир жуда катта пул сўраяпсиз, баҳсли квартиранинг ўзи бунча пул турмайди-ку, — хайрон бўлиб сўрайди давъогарнинг келини.

Ўртага адвокатлар тушиб, томонлар бир тўхтамга келиб олишлари учун учрашиб гаплашишга келишадилар. Улар В.Валиеванинг офисига борганларидан адвокат хоним ишни кўраётган судья билан келишиб ҳал қилиб беришини, бунинг учун 8000 АҚШ доллари беришлари кераклигини айтади.

Г.Батдалова бунча пулни топиб беролмаслигини айтганидан кейин В.Валиева нархни бироз туширган бўлади.

— Майли, 5000 минг доллар. Бу охирги нарх. Фақат пулни тезроқ етказинг, бўлмаса ҳамма харакатимиз зое кетади, — дейди у.

**Азиз МУСАШАЙХОВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Шу тариқа у пора беришга далолатчилик қилиб, фирбирларик йўли билан В.Батдалованинг пулларини кўлга киритмоқчи бўлади.

Унинг офисидан чиқиб кетар экан, Г.Батдалова адвокат аёлнинг бундай талаби ноқонуний эканлигини тушуниб етади. У бир тўхтамга келади ва адвокат В.Валиеванинг ноқонуний равишда ундан 5000 АҚШ доллари талаб қилиб, пора беришга далолатчилик қилаётгани ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ариза билан мурожаат қилади.

Г.Батдалованинг аризаси юзасидан ўтказилган тадбир давомида "Veritably Victory" адвокатлик бюроси директори, адвокат Виктория Валиева ундан 5000 АҚШ доллари шихсан ўзи пора тариқасида олган вақтида кўлга олди.

В.Валиева илгари ҳам жиноят содир этиб, амнистия актига мувофиқ унга нисбатан кўзга тилган жиноят иши унинг айбллик масаласини ҳал қилмай туриб иш юритувдан тугатилган эди. Аммо у бундан тегишли хулоса чиқармаган экан.

Суд ҳукми билан В.Валиева қонуний жазосини олди: у иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ундириб қолиш шартли билан 2 йил 3 ой ахлоқ тўзатиш ишларига жалб қилинди. Бунинг устига у энди 3 йилгача адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди.



**С**уд муҳокамаси узок қўзилди. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманларо судига ўзига тегишли уйга нисбатан ҳада шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги давво келтирилган В.Батдалова ақуний қарорини интиқ кутаётган эди. Аммо бир эмас, икки нафар адвокат ёллаб ҳам ишда ютиб чиқа олмади.

Шундан кейин В.Батдалова адвокатлари билан бўёғига нима қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлашиб кўрди.

— Биз қўлимиздан келганини қилдик, — деди адвокатлардан бири Шоҳиста. — Яна бир марта давво киритиб кўрамиз.

— Шунақа ишларни жуда яхши биладиган бир адвокатни биламан, бугун у билан ҳам бир маслаҳатлашиб кўрамиз, — дейди адвокатларнинг яна бири Райҳон.

Улар ўша куни "Veritably Victory" адвокатлик бюроси ди-

**Босқинчилар унинг қўл телефонини тортиб олишган эди. У машинада босқинчилардан бири ўша телефонда шериги билан гаплашганини эслади. Чақирилган телефон рақами фуқаро Ю.Ҳакимжоновга тегишли бўлиб чиқди. Унинг хонадонига тинтув ўтказилди. Унинг ўзи йўқ, қочиб яширинган эди.**

**Т**интув чоғида босқинчилар ўша тунда ишлаган жиноят қуроллари ашёвий далил сифатида олинди. Қўл телефонига кирувчи ва чиқувчи кўнгиноқлар текширилиб, Ю.Ҳакимжоновнинг жиний шериклари Ахорр Тешабоев ва Ином Бувахоновлар гумонланувчи тариқасида ушланди. Дастлабки терговда рад этиб бўлмас далиллар қаршисида улар айбларига иқор бўлиб кўрсатма беришди. Дастлабки терговда аниқланиб, суд мажлисида тасдиқланганидек, ушбу жиноят Ю.Ҳакимжонов бошчилигида содир этилган. Кўнгли қора тўдабоши таниши Иброҳимжон Камоллаҳонов улғуржи ун савдоси билан шуғулланиши, ҳар доим қўлида йирикна дастма, яъни йигирма-ўттиз миллион сўм пул бўлишини яхши билган. Унинг шериги, судланувчи А.Тешабоев устачилик қилиб рўзгор тейратган, Ю.Ҳакимжоновнинг уйда ҳам ишлаганди. Ўша пайтда хонадон эгаси орқали ўзи каби уста Ф.Узақов билан кўришган, кейинчалик бошқа хонадонлардаги қурилишларда бирга ишлаб, синашта ойнани бўлиб қолганди.

— 2011 йил декабрь ойида Ю.Ҳакимжонов билан унфуршу карз олиб қайтариб бермаепти, деди, — дея суд мажлисидаги кўрсатмасини давом эттирди А.Тешабоев. — Яхшиликча ундиришга қўзи етмаётган экан. Кечаси уйига бостириб кириб, пулни қайтариб олмас, хизматингизга яраша ҳақ тўлайман, деб қизиктириб қўйди. Унинг таклифига кўндинг. Қиш кунлари иш йўқ, бекор-қўйдим. У яна ишончли болалардан топишни тайинлади. Ўша кунлари қариндошимиз тўй қилган эди. Тўйда

# Қора кўнги

**Нодиржон АЗИМОВ,**  
Марғилон шаҳар прокурори

хотинимнинг укаси Иномжон Бувахоновга яхшигина иш бор, яхшигина пул ишлаб оламиз, дедим. У рози бўлди. Икки-уч кун ўтиб, 14 декабрь кун Иномжонни уйига бориб чақирдик...

Иномжон чиққанидан кейин Ахорр иккаласи "Ласетти" машинасига ўтиришди. — Почкам мени машина эгаси Ю.Ҳакимжонов ва унинг ёнида ўтирган Ф.Узақов билан таништирдим, — дейди судланувчи И.Бувахонов айбига иқор бўлиб. — Ю.Ҳакимжонов бир муттаҳам унфуршу қарзини тўламаепти, кечаси уйига бостириб кириб пулларини тортиб оламиз, деди. Мени яхши билади, юзимга нибоб тақсам ҳам, овозимдан таниб қолиши мумкин. Шунинг учун мен ташқарида қоламан. Уччаларинг юзларига нибоб тақиб кирасизлар, деб арқон, нибоб, ханжар, электрошокни кўрсатди. У кечаси ўзининг машинасида бизни Марғилон шаҳри, Ж.Жаҳонов кўчасидаги ўша ҳовли-уйнинг олдига элтиб қўйди. Почкам, яъни А.Тешабоев, Ф.Узақов учаламиз юзимизга нибобларни тақиб олдик. Ханжар, электрошок, арқон билан қуролланиб, биринкетин кўчадаги сўритокка осилиб, томга чиқдик. Томдан девор устига ўтиб, ҳовлига тушдик...

Босқинчилар уйғониб кетган хонадон эгасининг бўйнига, чап чакчасига электрошок билан уриб қийнашди. Кўксига ханжарни тираб, пулни яширган жойидан олиб беришни талаб қилишади. Босқинчилардан бири шовкинга уйғониб чиққан, додлаб юборган уй бекасининг оғзини ёпиб, бўғлади. Иброҳимжон хотинимга тегманлар, пулни олиб бераман, дея қўшни хонага бошлади.

— Уларнинг фақат биттаси гапирди, — дейди жабранувчи И.Камоллаҳонов. — Шеригига сумкаларни олқолишни буюрди. Пулларни иккита катта сумка-

га солди. Сигмаганини стол устидаги дастурхонга ўради. Кейин машинани калитини бер, деб дўқ урди. Мана калит, фақат хотинимга тегманлар, дедим. — Бўпти, бизни машинанга обориб кўясан, бировга айтсанг, бола-чақанг билан чаваклаб ташлаймиз", деб пулларни машинага жойлаштиришди. Рулга ўтирдим. Босқинчиларнинг мен билан гаплашаётган каттаси йўл кўрсатиб борди. Аквопарк ёнидаги Ал-Фарғоний кўчасига ҳайда, деди...

Жабранувчи Иброҳимжон иложсиз эди. Қаршилик кўрсатса, ханжарни тиқиб олишдан тоймасликларига қўзи етарди. Шаҳарнинг Ал Фарғоний кўчасига юрди. Бекат ёнида тўхтади. Бироқ, келишилган жойда босқинчиларнинг шериги Ю.Ҳакимжонов йўқ эди. А.Тешабоев жабранувчи Иброҳимжоннинг қўл телефонига тўдабоши билан боғланди. Сўнгра, машинага ўтириб йўл бошлади. Айтган жойига борганларидан тўхтатиб туришни буюрди. Нарироқда Ю.Ҳакимжонов ўзининг машинасида келиб тўхтади. Босқинчилар пул солиниг сумкаларни Ю.Ҳакимжоновнинг "Ласетти" сига оқладди. У А.Тешабоевдан қайси телефонда кўнгиноқ қилганини сўради. Уй эгасиники дегач, телефонни олиб улқотириб юборди. Иброҳимжон босқинчилар ўтирган машинанинг давлат рақамини илғаб ололмади. Улар кетганларидан кейин, уйига жўнади. Уйига қайтиб борганида, укаси чақиртирган ИИБ ходимлари этиб келиб, сўраб-суриштиришга киришган эдилар...

— Қора нибоб тақшиганди, — деди жабранувчи И.Камоллаҳонов ИИБ ходимларига... — Фақат биттаси гапирди. Овози нотаниш. Пулдан бошқа ҳеч нар-

Халқимизда «Тадбиркор — элга мададор», деган гап бор. Халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда ушбу соҳа кишиларининг салмоқчи ҳиссаси бор. Шу боис, юртимизда тадбиркорларнинг фаолиятига кенг йўл очилиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига кучли эътибор қаратиб келинмоқда.

# Тамагир муҳандис

**Баҳром МАХСИТОВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи вазифини бажарувчи

**Т**адбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлиш тараққиётта, ривожланишга, фаровонликка тўсиқ бўлиш билан баробар. Шу маънода, улар фаолиятига сунъий тўсиқ бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатга қарши муросасиз кураш олиб бориш талаб этилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи "Billura-qiz 2004" КТХФ раҳбари А.Мамажонов ҳамза тумани М.Риёзий кўчасидаги 5-уйнинг 1-хонадонини савдо дўконига мослаштириб, таъмирдан чиқаргач, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини йўлга қўйди. Дўконда олинган мавжуд бўлган электр ҳисоблагич бўйича ишлатилган электр энергияси учун пул тўлаб келган.

Шундай кунларнинг бирида ҳамза тумани "Электртармоқлари" корхонасининг юридик шахслар билан ишлаш бўйича муҳандиси Н.Тохтаев дўкондаги сотувчи йигитга корхона раҳбари туман "Электртармоқлари"га бориб унга учрашиши ва шартнома тузиши кераклигини, бўлмаса, электр узиб қўйилишини айтади.

Кўп ўтмай, "Billura-qiz 2004" ХФ раҳбари А.Мамажонов тўлов ҳужжатлари ва кадастр ҳужжатларини олиб, Н.Тохтаевга учрашиб, шартнома тузиш учун келганини айтганида, муҳандис Н.Тохтаев турли баҳоналар билан бу ишни пайсалга сола бошлади. Хуллас, А.Мамажоновнинг туман "Электртармоқлари" билан шартнома тузиш йўлидаги овозгарчиликлари бошланди.

Шунингдек, муҳандис тегишли тартибда далолатнома расмийлаштириш ўрнига, аллақачон муомалалан чиқарилган думалоқ муҳр бошилган ва ўзи томонидан имзоланган сохта далолатномани кўрсатиб, ушбу далолатномани расмийлаштиришга ва дўконни электр тармоғидан узиб қўймаслик эъвазига тадбиркор А.Мамажоновдан 1 млн. 200 минг сўмни тамагирлик йўли билан пора тариқасида талаб қилади.

Аммо А.Мамажонов бунча пул беришга имкони йўқлигини айтган, пул миқдорини 850 минг сўмга туширади. Тадбиркор ундан "пулни кассага тўлайманми?" деб сўраганида, Н.Тохтаев "қўлимга нақд берасан" дея жавоб беради. Унинг қўяётган талаби қонунга зид эканлигини тушунган А.Мамажонов бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ариза билан мурожаат қилади.

Ушбу ҳолат бўйича ўтказилган тезкор тадбирда Н.Тохтаев А.Мамажоновдан тамагирлик йўли билан 850 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланди.

Жиноят ишлари бўйича ҳамза туман судининг ҳукми билан тамагир муҳандис Н.Тохтаев тегишли жазосини олди.

сага тегишгани йўқ. Қўл телефонини олиб қўйишди. Шериклари билан ўша менинг телефонимда гаплашишди...

Суриштирув-қидирув ишлари мобайнида қўл телефонининг дарағи чиқди. Уни мактаб ўқувчиси Умийхон кўчадан топиб олган, яъни телефонни ундан олиб фойдаланиб туриш учун холасига берган эди. Телефонда жиноятчиларга тегишли қўл телефонларининг рақамлари ҳал сақланган эди. Шу тариқа босқинчилардан бири Ю.Ҳакимжонов эканлиги аниқланди. Қочиб яширинган босқинчига нисбатан қидирув эълон қилинди. Унинг "Ласетти" русумли машинаси бардачогидан қора рангли қалпоқ, уйдан қора рангли электрошок, ертўласидан учта сиртқок тайёрланган арқон қолдиклари, бир дона махсус тайёрланган нибоб, қора жемфер, қора трико, А.Тешабоевнинг хонадонидан қопга солинган, чойшабга ўралган, пакетга жойланган жами 7 млн. 850 минг сўм пуллар, бир дона қора рангли эркаклар шими ашёвий далил тариқасида олинди.

— Уйдан йигирма беш миллион сўмни олиб кетиб, Ю.Ҳакимжоновга топширдик, — дейди судланувчи А.Тешабоев. — У менга ва И. Бувахоновга беш миллион сўмдан, ўн миллион сўм берди. И. Бувахонов ишлатиб тургани беш юз минг сўмини олди. Қолганини уйимга яшириб қўйдим. Олти юз эллик минг сўмини ўзим ишлатиб қўйдим...

Суд мажлисида А.Тешабоев ва И. Бувахоновларнинг содир этган жиний қилмишлари ўз тасдиғини топди. Босқинчиларга 13 ва 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Улардан солидар тартибда жабранувчига 17 млн. 150 минг сўм ундириладиган бўлди. Жиноят қуроли деб топилган Ю.Ҳакимжоновнинг хонадонига тегишли "Ласетти" автомобили давлат фойдасига мусодара қилинди.

Хулоса қилиб айтганда бўлса, биронта жиний қилмиш фош этилмасдан қолмайди. Жиноятчилар нибобланиб ёки бошқа йўсинларда жавобгарликдан қўтулиб қолишга ҳарчанд уринишмасин, қилмишларига яраша жазоланишлари муқаррар.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари учун республикада барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Ҳозирда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Аммо шунга қарамай айрим "удлабурон" тадбиркорлар ноқонуний даромад орттириш мақсадида қинғир ишларга ҳам қўл уришмоқда.


Қарийб ўн йилдан буён "Aktiv tur" МЧЖ раҳбари лавозимда ишлаб келаётган Баҳодир Абдуллаевнинг ишлари яхши кетаётган эди. Шунга яраша даромади ҳам ёмон эмас эди. Аммо у бунга қаноат қилишни истамди.

## Ўзлаштириш

Б.Абдуллаев "G'alla alteg" ОАЖ раҳбари А.Раҳматов билан жиной тил бириктирган ҳолда бир қанча ноқонуний ишларни амалга оширди. Жумладан, "Aktiv tur" МЧЖ ва "G'alla alteg" ОАЖ ўртасида 2009 йилнинг 1 апрелида "Тошкент шаҳрида "G'alla alteg" ОАЖ ҳудудида бино, иншоотлар томини таъмирлаш ва ободонлаштириш" юзасидан тузилган шартнома имзоланган бўлиб, Б.Абдуллаев бажарилган ишлар бўйича далолатномаларга сохта маълумотлар киритиш орқали коэффицентларни ошириб кўрсатган ва бажарилмаган ишга 13 млн. 154 минг сўм қўшиб ёзиб юборган.

**Э.КАМолов,**  
СВОЖДЛҚҚ Департаментининг  
Тошкент шаҳар бошқармаси бош  
тафтишчиси

Бундан ташқари, "Aktiv tur" МЧЖ ва "G'alla alteg" ОАЖ ўртасида 2010 йилнинг январь ва апрель ойларига тузилган шартномаларга мувофиқ, "G'alla alteg" ОАЖнинг Паркент туманидаги бўлими ҳудуди асфальт қилиш ва бос-тирма томини таъмирлашни "Aktiv tur" МЧЖ ўз зиммасига олади. Аммо ишлар якунига етганидан кейин Б.Абдуллаев А.Раҳматов билан тил бириктириб, бажарилган ишлар



бўйича далолатномага сохта маълумотлар киритиш ва бажарилган ишлар миқдорини ошириб кўрсатиш орқали 753 минг сўмни қўшиб ёзади.

Худди шу усулда Тошкент вилояти Гулбахор посёлкасида "G'alla alteg" ОАЖ ҳудудида лаборатория биносини таъмирлаш бўйича тузилган шартнома бўйича бажарилган ишлар далолатномасига ҳам сохта

маълумотлар киритиш орқали 2 млн. 251 минг 773 сўмни ўзлаштириб юборилган.

Шу тариқа, Б.Абдуллаев ва А.Раҳматовнинг "шартномалари" натижасида 16 млн. 158 минг 969 сўмлик "G'alla alteg" ОАЖ мулки ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган.

Б.Абдуллаевнинг қилмишлари судда кўриб чиқилиб, қонуний баҳо берилди.

Эълон • Эълон • Эълон • Эълон • Эълон • Эълон • Эълон • Эълон • Эълон • Эълон • Эълон • Эълон • Эълон • Эълон • Эълон • Эълон

## Агробанк



омонатларига маблағингизни кўпайтиринг!

### Миллий валютада

- ➔ «Оила фаровонлиги»
- ➔ «Оила пойдевори»
- ➔ «Баҳор-2012»
- ➔ «Бойчечак»

### Чет эл валютасида

- ➔ «Оила пойдевори плюс»
- ➔ «Универсал»

Халқ  
фаровонлиги —  
фаолиятимиз  
мезони



Омонатга бўш пул маблағларингизни  
Агробанкнинг исталган филиалида  
қўйишингиз мумкин.

Омонатлар бўйича ҳисобланган  
фоизли даромадингиз биринчи  
талабдаёқ берилади.

Агробанк омонатларига қўйилган пул  
маблағлари декларация қилинмайди  
ҳамда омонатчи ва унинг  
пул маблағлари ҳақидаги маълумот  
банк сирини ҳисобланади.  
Қўшимча маълумот учун  
150 53 65, 150 53 32  
рақамли телефонларга  
мурожаат этишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

## «OMADLI TANLOV» риэлторлик МЧЖ очик «аукцион» савдосига таклиф этади!

«OMADLI TANLOV» риэлторлик МЧЖ 2012 йил 29 май кунини соат 10:00 да бошланғич баҳоси ошириб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига бўлиб ўтишини маълум қилади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 20 апрелдаги ХБ-123/04-сонли буйруғи ҳамда Китоб туман ҳокимининг 2012 йил 31 мартдаги Х-265/3-сонли қарори билан Китоб тумани "Йўлдош" шаҳарча ҳудудидан ҳар бири 600 м<sup>2</sup> бўлган 98 та (257,263,265, 275,278,279,280,281,282,292,293,294, 295,296,297,298,299,300,301,302,303,304, 305,306,307,308,309,310,311,312,313,314, 315,316,317,318,319,320,321,322,323, 324,325,326,327,328,329,330,331,332, 333,334,335,336,337,338,339,340, 341,342,343,344,345,346,347,348, 349,350,351,352,353,354,355,356, 357,358,359,360,361,362,363,364, 365,366,367,368,369,370,371,372, 373,374,375,376,377,378, 379,380-сонли) ер майдонлари очик аукцион савдосига қўйилмоқда.

Очик аукцион савдосига қўйилган ер майдони ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 150 000 сўмдан.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача савдо ташилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдоси 2012 йил 29 май кунини соат 10:00 да Китоб шаҳар касб-хунар коллежи биносида бўлиб ўтади. Аризалар қабул қилишнинг охириг мuddати 2012 йил 26 май кунини соат 18:00.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"га асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизи миқдоридан закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва жисмоний шахслар учун корхона низомига ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

Закалат пулини тўлаш учун реkvизитлар: "OMADLI TANLOV" риэлторлик масъулияти чекланган жамияти, ОАИКБ "Ипак йўли" Банк Шахрисабз филиали, МҲО:01048, ҳисоб рақами: 20208000204535937003, СТИР:206745463.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда етишмаган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Манзил: Шахрисабз туман Ипак йўли кўчаси 90/2-уй.

Тел: (8-375) 707-95-00 Электрон почта: omadli\_tanlov@bk.ru, Расмий сайт-тимиз: www.omadli.fo.ru

Лицензия: RR-0057

Меҳнатидан роҳат кўриб яшаётган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Киятбай Джуманазаров табаррук 80 ёшни қаршиламақда. У киши 30 йилдан ортиқ умрини Қорақалпоғистон Республикасида эл-юрт тинчилиги ва оқсоқилларини таъминлаш ҳамда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

## Мазмунли умр



Иш фаолиятида давомида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси тизимида Чимбой туманлараро прокуратурасида терговчи, Мўйноқ, Кўнғирот, Тاختакўпир туман прокуратураларида терговчи, Нукус шаҳар прокуратурасида катта терговчи, Мўйноқ ва Кегейли туман прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бўлим прокурори, терговчи ҳамда катта терговчи лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Иш даврида жамоа ходимларига нисбатан талабчан бўлди.

Кўп йиллик амалий иш тажрибаси, теран билими, ёшларга бўлган ғамхўрлиги, одамлар билан муносабатда самимийлиги билан шоғирдларнинг ҳурмат ва эъзозига сазовор бўлди.

Киятбай Джуманазаровнинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Киятбай Джуманазарович, кутлуг 80 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Марғилон шаҳар прокуратураси шаҳар ҳокимини ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари билан шугullanувчи комиссия, ички ишлар бўлими, шаҳар ҳалқ таълими бўлими ҳамда "Қамолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда жойларда ёшлар билан бевосита юзма-юз мулоқотлар ўтказишни, тадбирлар уюштиришни йўлга қўйди. Ана шундай тадбирлардан бири шаҳар марказидаги "Увайсий" номли кинотеатр биносида бўлиб ўтди.

## Юзма-юз мулоқот

"Ёшлар терроризм, одам савдоси ва гиёҳвандликка қарши" мавзусида ўтказилган мазкур тадбирда айни кунларда ўқиб, ишлаб, жамиятга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган 300 нафарга яқин йигит-қизлар қатори, ИИБ профилактика ҳисобида туровчи 41 нафар тарбияси оғир ёшлар, шунингдек, одам савдосидан жабрланганлар ҳамда гиёҳвандликка чалинган ёшлар ҳам иштирок этдилар. Тадбирда ёшларни ўйлантираётган, ечимини кутаётган муаммолар, қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини келтириб чиқарадиган шарт-шароитлар, уларни бартараф этишда давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир давомида ёшларнинг ҳуқуқий фаоллигини мунтазам ошириш йўлга қўйилиши белгилаб олинди, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан комплекс лойиҳа ишлаб чиқилди. Шу кун комплекс лойиҳа

**М.МАХМУДОВ,**  
меҳнат фахрийси

доирасида шаҳардаги маҳаллаларда "Ёшлар келажакимиз" мавзусида тадбирлар ташкил этилди.

Ёшларни ўқиш ва ишга жойлаштириш мақсадида "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Шаҳардаги 70 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасалар 364 та бўш иш ўринлари ҳақидаги кўргазмалар ва тайёр маҳсулотлари билан катнашган ушбу тадбирда 46 нафар ёшларга ишга жойлашиш учун йўлланма берилиб, 30 нафар ёшлар хунарга ўрганиш мақсадида "Икат" ўқув маркази ва "Ойнурубегим сервис" ҳусусий ишлаб чиқариш корхонасига ўқишга юборилди.

Ярмаркада катнашган касб-хунарга коллежалари битирувчилари ва фуқароларнинг 300 нафарга яқинига меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофазат қилиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

## Дунёнинг фаройиб қонунлари

Қонунларни яратиш устида юзлаб одамлар бош қотиради-ю, аммо уларни "четлаб ўтиш" учун миллионлаб кишилар ҳаракат қилдилар, деган экан австриялик бир адвокат.

Ҳа, қонунлар тартиб, интизом, меъёр, чегара демакдир. Уни ишлаб чиқишда ҳар бир давлат ўзининг миллийлиги, принциплари ва манфаатларидан келиб чиқади. Агар ўзга мамлакатларнинг қонунчилигига назар ташласак, улардан айримларининг нечоғлик ноодайти эканлигига гувоҳ бўламиз. Гарчи, баъзилари қанчалар ғалати, яна қайси бирлари эса кулгили бўлиб туюлмасин, қонун барибир қонун! Уларга амал қилиш эса жамият аъзоларининг бурчи ҳисобланади. Қуйида айрим давлатларнинг ана шундай фаройиб қонунлари билан танишасиз:

Масалан, Лос-Анжелесда гувоҳларнинг судда кўргазма бера туриб, йиғлаши қонун билан тақиқланади.

Хитойда эса, сўвда чўқаётган одамни қутқариш мумкин эмас экан. Акс ҳолда қилган савоб ишингиз учун бировнинг ҳаётига аралашинишда айбонлик, жавобгарликка тортилшингизга тўғри келади.

Францияда чўқаларга "Наполеон" номини қўйиш қонунга зид ҳисобланади. Бу французларнинг ўз тарихига бўлган юксак ҳурматининг бир намунаси бўлса ажабмас!

Мана бундан қонун деса бўлади: Жанубий Кореяда йўл полициясидаги офицерлар хай-

довчилардан олган ҳар бир пора ҳақида ахборот бериб туришлари шарт.

Агар Таиланд кўчаларида сизни билиб ёки билмасдан сақчингизни йўлакка ташлаётганингизда тутиб олишса, 600 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлашингизга тўғри келади. Мабодо, бунча пулингиз бўлмаса, марҳамат қилиб, бир неча кунлик қамоқ жазосини ўташингиз керак.

Таиланднинг ажабтовур қонунларидан яна бирига кўра, ерда ётган миллий валютага оид бирор танга ёки банкнотни оёқ билан босиш ҳам жиноят ҳисобланади. Гап шундаки, валютада қиролнинг расми туширилган бўлиб, унинг юзига оёқ қўйганлар қамоқ жазоси билан жазоланадилар.

Канада радиолари орқали эфига узатиладиган ҳар бешта кўшиқдан биттаси мамлакат фуқароси томонидан ижро этилган бўлиши шарт. Шу боис бўлса керак, Канада радио тўлқинларида Селин Дион, Брайан Адамс каби машҳур канадаликларнинг кўшиқлари тез-тез кулоққа чалиниб туради.

Буни қаранги, Вашингтонда ўзини бойваччалардек тутиш, яъни ота-онасини бой одамлар қилиб кўрсатиш, қонунга хилоф саналар экан!



АҚШнинг Огайо штатида жамоат биносига сунянган жаримага тортилсалар, Висконсин штатида эса ухлаётган ўт ўчирувчиларни безовта қилиш, яъни уларни уйғотиш қонун билан тақиқланади.

Висконсиннинг яна бир ғалати қонунига кўра, аёллар жамоат жойларида қизил рангли кийим кийиб юришдан маҳрумдилар.

## Танадаги сирли суратлар

Татуировкалар алақачон ўзининг аввалиги сирли, ўзига хос маъно, ҳусусиятларини йўқотиб, оммавий маданият унсурига айланиб улгурган. Улар бугун замонавийлик белгиси сифатида айниқса, ёшлар орасида оммалашиб кетди.

Татуировка аслида инсон танасига игна ёки бошқа шу каби воситалар ёрдамида турли сурат ва ёзувлар тушириш бўлиб, ушбу сўзининг асл маъноси "танага озор бериш", "жароҳат етказиш" каби маъноларни англатади.

Татуировкаларнинг асл келиб чиқиши қамқончаларга бориб тақалар экан. Маълум бўлишича, жазони ўташ жойларидаги маҳбуслар таналарига турли белгилар чиқишган. Маълумотларга кўра, киши терисидagi ушбу белги ва расмларга қараб, унинг ижтимоий келиб чиқиши, қайси моддалар билан судлангани, содир этган жинояти, неча мартаба судлангани, қамқончалардаги мавқеи, диний қарашлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи орган ходимларига бўлган муносабати ва ҳоқазолар ҳақида билиб олиш мумкин экан.

Татуировкаларнинг асосан икки хил кўриниши мавжуд бўлиб, бири ёзувли, иккинчиси эса рақамлардан иборат композициялардир. Ёзувли татуировкалар энг кенг тарқалган бўлиб, улар орасида айбдорнинг ҳаётидаги шиори, муҳаббатига садоқати, турли афоришлар, диний ва ҳаётий қарашлари акс этган ёзувларни кўриш мумкин. Масалан, "Ёмон кўрса - кўрсин, кўркса, бўлгани", "Алвидо ва мени кут!", "Қамқоқ — менинг тақдирим", "Ҳаётда фақат ўзингга ишон", "Етим", "Сизники. бир кун бўлар меники", "Аллоҳ — ягона", "Эзгулик ва ёвузлик доим ёнма-ён", "Инсон инсонга бўри" ва ҳоказо.

Ўқоринда айтиб ўтилганидек, бугунги кунга келиб татуировкаларга бўлган қараш, уларнинг мазмун-моҳияти анча ўзгарди. Улар бугун одамлар орасида чирой, ўзига хослик, замонавий-

лик, олифталик белгисига айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Буни қаранги, сўнгги пайтда баданга сурат чиқиш айниқса, қўшиқчилар орасида урфга айланган. Афтидан, улар атрофдагилардан ажралиб туриш, ўзига хос қиёфа яратиш мақсадида шундай қилаётган бўлсалар керак.

АҚШ тадқиқотчиларининг ўтказган сўровномаларига кўра, айни дамда 21 фоиз америкаликларнинг танасида ҳеч бўлмаганда битта ёзув ёки сурат бор экан. Қизиғи шундаки, сўровномада иштирок этганларнинг ҳеч бири танасига "етказилган озордан" афсусланмаган. Аксинча, айнан теридagi суратлар туфайли улар атрофдагиларга қизиқарлиққ бўлиб кўринишар, шу билан бирга, ўзларига бўлган ишонч ҳам янада ошар эмши.

**Барғида МҮМИНЖОНОВА**  
тайёрлади.

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси Бахтиёр Абдулсаломовнинг онаси **Ўлмасхон МУХИТДИНХҲАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Жиззах вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Фолибжон Юсуповга волидаи муҳтарамаси **Ташбуви ЮСУПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таззия ихдор этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги СВОЖДЛҚК Департаменти жамоаси Департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи Сунатулло Исмоиловга укаси **Бегали ИСМАИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Huquq**  
yuridik gazeta

**Muassis:**  
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKSUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Abbosxon SANGINOV  
Muxtor ZOIROV  
Gulnoza RAHIMOVA  
Yusufboy GOIPOV  
Svetlana ORTIQOVA

**Baxtiyor NAZAROV**  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
**Shavkat YODGOROV**  
(Markal kotib)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 233-98-40,  
233-10-53

**Faks:** 233-10-53,  
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqdir qilinmaydi va egalargana qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

□ — tijorat materiali.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma j-4417. 51 200 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalangan. «HUQUQ» original maketi.

**Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV**  
**Musahih: M.QAMBAROV**  
**Navbatchi: O.DEHQONOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirdi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda O188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

